Бутун дунё пролетарлари, бирлашингиз!

ТОШКЕНТ ОҚШОМИ

№ 133 (5424).
14 ИЮНЬ 1984 й.
ПАЙШАНБА
Газета 1966 йил 1 июлдан чиқа бошлаган.
Баҳоси 3 тийин.

ЎЗБЕКИСТОН КОМПАРТИЯСИ ТОШКЕНТ ШАҲАР КОМИТЕТИ ВА ТОШКЕНТ ШАҲАР СОВЕТИНИНГ ОРГАНИ

ЎЗБЕКИСТОН КОМПАРТИЯСИ МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИ БЮРОСИДА

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг Бюроси ўзининг навбатдаги мажлисида 1941—1945 йиллардаги Улуғ Ватан урушида Совет халқи қозонган Ғалабанинг 40 йиллигига тайёргарлик кўриш тўғрисида маълумот қабул қилди. Оммавий меҳнат ғайрати ва сиёсий активлигини оширишга, жойларнинг ишини такомиллаштиришга, Улуғ Ғалаба арафига социалистик мусобақани ривожлантиришга, ишлаб чиқариш ва меҳнат ветеранларини республика жамоатчилигининг фаолиятига кенг жалб этишга қаратилган тадбирлар белгиланди.

Ўтган йилда товар оборотининг режа бажариш соҳасида Ўзбекистон ССР Савдо министрлиги, Ўзбекбирлашувининг фаолияти кўриб чиқилди. Ҳўжасизликка, нобудгарчиликка, растраталарга, товар-моддий бойликларни ўғирлашга қарши курашни кучайтириш, қишлоқ аҳолисига савдо хизматини яхшилаш, қишлоқ хўжалик маҳсулотлари таёрлаш ва қайта ишлашни кўпайтириш зарурлиги таъкидланди. Бюро область, шаҳар, район партия комитетларига савдо ва умумий овқатланиш корхоналарининг бошланғич партия ташкилотларида ташкилотчилик ҳамда сиёсий ишни кучайтириш, коммунистларнинг авангардлик ролини ошириш чораларини кўришни, кадрларни танлаш, жойжойига қўйиш ва тарбиялашнинг ленинча принципларига қатъий амал қилишни, уларга нисбатан талабчанликни оширишни, хизмат кўрсатиш соҳаси корхоналарини КПСС ва ВЛКСМ аъзолари билан мустаҳкамлашни, тармоққа хотин-қизлар ва ёшларни кенгроқ жалб этишни, нопок ва обрўсини йўқотиб қўйган ходимлардан қатъиян халос бўлишни топширди. Бошқарув услуби ва методларини бутун чоралар билан такомиллаштириш, кўпроқ қатъият ва принципиаллик кўрсатиш, меҳнат коллективларида ғоявий-тарбиявий ишлар савиясини ошириш керак. Ҳуқуқни муҳофаза қилиш органларига, халқ контроли комитетларига ҳам тегишли топшириқлар берилди.

Марказий Комитет Бюроси Ўзбекистон ССР Маориф министрлигининг Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети 1982 йил VII пленуми қарорлари асосида илмий педагог кадрларни тайёрлаш ва тарбиялаш тўғрисидаги ҳамда «Главташкентстрой»нинг қурилиш ишларини инженерлик жиҳатдан тайёрлаш ва ташкил этиш учун, партия XXVI съезди ҳамда КПСС Марказий Комитети кейинги Пленумларининг талаблари асосида меҳнат унумдорлигини ошириш учун инженер-техник кадрларнинг роли ва масъулиятини кучайтириш тўғрисидаги ҳисоботларини тинглади. Шу масалалар юзасидан қабул қилинган қарорларда халқ маорифи ва қурилиш кадрлари билан ишлашни кучайтиришга қаратилган конкрет тадбирлар белгиланди.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети Бюросининг мажлисида республиканинг иқтисодий ва социал ҳаётига доир бошқа бир қанча масалалар кўриб чиқилиб, улар юзасидан қарорлар қабул қилинди.

ҲАМДЎСТЛИК ВА ҲАМКОРЛИК ЙЎЛИДА

ХАЛҚАРО ИҚТИСОДИЙ ЁРДАМ КЕНГАШИГА АЪЗО БЎЛГАН МАМЛАКАТЛАРНИНГ ОЛИЙ ДАРАЖАДАГИ ИҚТИСОДИЙ КЕНГАШИ ЎЗ ИШИНИ ДАВОМ ЭТТИРМОҚДА

Халқаро Иқтисодий Ёрдам Кенгашига аъзо бўлган мамлакатларнинг олий даражали Иқтисодий кенгаши 13 июнь куни Москвада, Катта Кремль саройининг Георгий залида ўз ишини давом эттирди.

Эрталабки мажлисда — ВКП Марказий Комитетининг Бош секретари Ле Зуан, кечқурунги мажлисда ГБСП Марказий Комитетининг Бош секретари, ГДР Давлат кенгашининг Раиси Э. Хонеккер раислик қилдилар.

МХРП Марказий Комитетининг Бош секретари, МХР Буюк Халқ хурали Президиумининг Раиси Ю. Цеденбал, ПБИП Марказий Комитетининг Биринчи секретари, ПХР Министрлар Советининг Раиси В. Ярузельский, РКП Бош секретари, РСР президенти Н. Чаушеску, КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюросининг аъзоси, СССР Министрлар Советининг Раиси Н. А. Тихонов, ЧКП Марказий Комитетининг Бош секретари, ЧССР Президенти Г. Гусак муҳокама этилаётган масалалар юзасидан сўзга чиқдилар.

Иқтисодий кенгаш ўз ишини давом эттирмоқда.

(ТАСС).

монгол газеталарда

● КПСС Марказий Комитети Бош секретари, СССР Олий Совети Президиумининг Раиси К. У. Черненко Москвада ВСИП Марказий Комитетининг Биринчи секретари Й. Кадар билан учрашди.

Суҳбат чоғида Совет — Венгрия муносабатларининг ривожланишига, КПСС билан ВСИП ўртасидаги алоқаларга хос бўлган ишончи ва ҳамжиҳатлик муҳитига юксак баҳо берилди. Иккала партия, мамлакат ва халқлар ўртасидаги дўстлик ҳамда ҳамкорликни Венгрия партия-ҳукумат делегацияси 1983 йилнинг ёзида СССРга қилган визити давомида эришилган ахдлашувлар руҳида муттасил чуқурлаштиришга бўлган азму қарор таъкидланди.

Учрашув сидқидиллик ва бирлик, муҳокама этилган барча масалалар юзасидан тўла ҳамжиҳатлик вазиятида ўтди.

● КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюросининг аъзоси, СССР Министрлар Советининг Раиси Н. А. Тихонов Ўзаро Иқтисодий Ёрдам Кенгашига аъзо бўлган мамлакатларнинг олий даражадаги Иқтисодий Кенгашида қатнашаётган ВКП Марказий Комитети Сиёсий бюросининг аъзоси, ВСР Министрлар Советининг Раиси Фам Ван Донг билан 12 июнь куни Кремлда учрашди.

Иккала мамлакат ҳукуматларининг бошлиқлари Иқтисодий кенгашнинг ишига юксак баҳо бериб, бу кенгаш қардош социалистик мамлакатлар ўртасидаги ҳамкорликни ривожлантириш ва такомиллаштиришда, социалистик иқтисодий интеграцияни янада чуқурлаштириш, социалистик ҳамдўстликнинг иқтисодий потенциалини кўпайтириш вазифаларини ҳал этишда янги босқични бошлаб беради, деб таъкидладилар.

САЛМОҚЛИ КЎРСАТКИЧ

Пойтахтимиз а г и р с а н о а т и нинг «Қизил тонг» тикув бирлашмаси коллективи ўтган йил биринчи ярмида олган социалистик мажбуриятида қўйилган ўсиш суръатларини ўзлаштирилди. Моделерлар, конструкторлар, технологлар бундай буюмларнинг бир талай мажмуасини ишлаб чиқишган ва тадбиқ этишган.

Ўтган йили моделларнинг 70,9 процентини янгиланди, бу кўрсаткич бу йил яна ошиб бормоқда.

1978 йилда тадбиқ этилган маҳсулот сифатини бошқаришнинг комплекс системаси ишлаб чиқариш самарадорлигини ошириш ва маҳсулот сифатини яхшилаш проблемасини муваффақиятли ҳал этишда қўл келяпти.

лотлар корхона умумий ишлаб чиқаришининг 61,6 процентини ташкил этади. Бу республика енгил саноати корхоналари орасида юқори кўрсаткичдир.

Кейинги йилларда корхонада 25 дан ортиқ номда янги хил такомиллашган конструкциядаги либослар ўзлаштирилди. Модельерлар, конструкторлар, технологлар бундай буюмларнинг бир талай мажмуасини ишлаб чиқишган ва тадбиқ этишган.

ИСТЕЪМОЛ БУЮМЛАРИГА — КЕНГ ЙЎЛ

Хонадон кўрки

«Тошкент» мебель ишлаб чиқариш бирлашмасида республика корхоналарида тайёрланаётган ранг-баранг мебелларнинг улгуржи савдо ярмаркаси ўз ишини бошлади.

«Ўзбекпроектмебель» институти ва бирлашма мутахассислари ҳамкорликда бу ярмарка учун овқатланиш стуллари, мебеллар туркумини тайёрлаб тақдим этишган. Бу ерда намойиш этилаётган «Эра» мебеллар туркуми Бутуниттифоқ конкурсида муносиб баҳоланган эди.

Ярмаркада Сергели, Янгийўл, Қува корхоналарида шу кунниг талабига жавоб бера оладиган даражада тайёрланган маҳсулотларнинг янги хиллари ҳам намойиш этилмоқда.

Унумдорлик ошмоқда

Кўн-галантерея ва спорт буюмлари ишлаб чиқариш бирлашмаси коллективи социалистик мусобақа байроғини тобора баланд кўтариб, юбилей йилида юксак кўрсаткичларни қўлга киритмоқда. Социалистик мусобақа яхши ташкил этилганлиги натижасида бу ерда унумдорлик ошмоқда.

БУГУН

корхона фидокорлари йил бошидан бери тайёрлаган маҳсулот 12 миллион 700 сўмликдан ошиб кетди. Бу плондагидан салкам 500 минг сўмлик кўпдир.

Бирлашманинг С. Яҳёева, М. Юнусова, М. Мўйдинова, Ф. Турсунова сингари ўнлаб меҳнат пешқадамлари ҳозирги кунда республика юбилейини беш йиллик план-топшириқларни бажариш билан қарши олиш учун курашмоқда.

Савдода — хушбўй атир

БУГУН

Андижон давлат медицина институтининг командаси биринчи ўринни эгаллади, Урта Осиё медицина педиатрия институти билан Самарқанд медицина институтининг вакиллари иккинчи, тошкентликлар учинчи ўринни олишга муваффақ бўлдилар. Команда ва шахсий ҳисобларда ғолиб чиққанлар Ўзбекистон ССР Олий ва ўрта махсус таълим министрлиги ва Ўзбекистон ЛКСМ Марказий Комитетининг дипломлари билан мукофотландилар.

(ЎзТАГ).

шаҳримиздаги упа-элик фабрикасида тайёрланган «Сароб» номли янги ҳушбўй атирнинг дастлабки 20 минг шишаси республика савдо тармоқларига жўнатилди. Корхона коллективи юбилей йилида ана шу маҳсулотдан 70 минг шиша тайёрлашга аҳд қилган.

Айни пайтда бу ерда қатор янги атирлар, пардоз комплектлари, шампунлар оммавий равишда ишлаб чиқаришга жорий этилмоқда. «Шарқ», «Афсона», «Ялла» сингари атирлар шулар жумласидандир. Фабрика ишчилари йил давомида 800 минг шишадан ортиқ янги маҳсулот ишлаб чиқаришга сўз беришган. Юбилей шарафига ташкил қилинган социалистик мусобақада корхонанинг 1-цехи пешқадамлик қилмоқда.

БУТУНИТТИФОҚ ОЛИМПИАДАСИ

Ўзбекистон ЛКСМ Марказий Комитети, республика Олий ва ўрта махсус таълим, Маориф министрликларининг таклифи билан кўпгина вилоят, шаҳар ўқув юртларида студент ва илмий-техника тараққиёти—84» республика олимпиадаси ўтказилмоқда.

Тошкент қишлоқ хўжалик институтида агрономия, биология, иқтисодий география фанлари бўйича ўтказилган олимпиадада Тошкент, Самарқанд, Нукус, Андижон, Ангрен шаҳарларининг олий ўқув юртлари коллективлари бир неча кун мобайнида билимларини намойиш қилдилар.

Учала фан бўйича ғолиблар муносиб мукофотландилар.

Республика Олимпиадасида ғолиб чиққанлар шу йилнинг кузида Москвада бўладиган Бутуниттифоқ Олимпиадасида қатнашиш ҳуқуқини қўлга киритдилар.

БЎЛҒУСИ МЕДИКЛАР БЕЛЛАШУВИ

«Студент ва фан-техника тараққиёти—84» мавзуида биология бўйича Бутуниттифоқ олимпиадасининг республика мусобақаси тугади. Бу мусобақа М. И. Калинин номидаги Андижон давлат медицина институти базасида ўтди. Унда Тошкент, Самарқанд, Андижон медицина институтлари ва Урта Осиё медицина педиатрия институтининг командалари қатнашдилар.

ДИҚҚАТ, ЯНГИЛИК!

САЛОМАТЛИКНИ ЯХШИЛАЙДИ

«Ташкентхлеб» ишлаб чиқариш бирлашмасида эндигина тайёрлаб чиқарилаётган даволаш обнинони «Соғлиқ» деб аталади. Унинг ўзига хос рамзий маъноси бор. Бу обнинон юқумли касалликлар, жароҳатлар, оғир операцияларни ўтказган беморлар тонфасига мўлжалланган.

«Соғлиқ» обнинонининг рецептураси ўзига хос оддий тузилган. У биринчи навли буғдой уни, шоли уни, ёғи олинган қуруқ сут, хамиртуруш ва бошқа моддалардан тайёрланмоқда. Лаззатли, тўйимли бу обнинон гардишн қалинлашган ва ўртасига чакич урилган. Янги маҳсулот республика озиқ-овқат саноати марказий конструкторлик-технология бюроси мутахассислари томонидан ишлаб чиқарилмоқда.

Қурилиш индустрияси • СИФАТ УЧУН МУКОФОТ

СССР Давлат қурилиш комитети, қурилиш ва қурилиш материаллари саноати ишчилари касаба союзлари Марказий Комитети, СССР Архитекторлар союзи қурилиш сифати бўйича ўтказилган Бутуниттифоқ кўрик-конкурс якунларига биноан аъло сифатли маҳсулот ишлаб чиқарганлиги учун Ўзбекистон ССР автомобиль йўл қурилиши министрлигининг Қўйлиқдаги кўприк темир-бетон конструкциялар экспериментал заводига диплом ва пул мукофотини беришга қарор қилди.

Кўрик-конкурс давомида корхонада бир неча хил маҳсулотлар давлат Сифат белгисига топширилди. Хозирда умумий ишлаб чиқариш ҳажмининг 60 процентга яқини фахрли беш қиррали белги билан чиқариляпти.



Тошкент чинни заводида кейинги пайтларда буюмларнинг катта комплекси оммавий равишда ишлаб чиқаришга жорий этилди. Нафис гуллар билан безатилган бу буюмлар юксак сифатлилиги билан алоҳида ажралиб туради.

СУРАТДА: нақш чизиш цехининг илғор бригадаси бошлиғи, рассом Собир Мамажонов янги тайёрланган маҳсулотларни кўздан кечирмоқда.

В. Сироткин фотоси.

• Тошкент — мамлакатга БАМга жўнатилди

Тошкент консерва комбинати ўз маҳсулотларини республикамиздан ташқари Иттифоқимизнинг кўпгина шаҳар ва областларига ҳам мунтазам жўнатиб туради. Куни кеча маҳсулотнинг катта туркуми узоқ Шарқдаги шаҳарлар, шунингдек БАМ қурилиши посёлкалари аҳолисига жўнатилди.

Корхона коллективи юбилей йилининг биринчи кварталида катта кўрсаткичларни қўлга киритди. Плондан ташқари кўп миқдорда мева-сабзавот консерваларини ишлаб чиқарилди. Бу ерда 50 нафардан ортиқ Коммунистик меҳнат зарбдори ишлаб чиқаришда пешқадамлик қилмоқда.

Айни пайтда коллектив қулупнай шарбати, саримсоқ пиёз, карам, бодринг консервалари сингари маҳсулотларни муваффақият билан тайёрламоқда. Комбинат ишчилари Ўзбекистон ССР ва Ўзбекистон Компартиясининг 60 йиллик юбилейига бағишланган социалистик мусобақада актив қатнашмоқдалар. Улар юбилей йилида 68 миллион банка консерва тайёрлаш учун тер тўкишмоқда.

С. АЛИЕВ,
меҳнат ветерани.

ЯНГИ ТЕХНОЛОГИЯ ШАРОФАТИ

«Учқун» тўқимачилик-галантерея ишлаб чиқариш бирлашмаси коллективи КПСС Марказий Комитетининг кейинги Пленумлари қарорларининг шараф билан ҳаётга тадбиқ этмоқда. Бу ерда меҳнат унумдорлигини планга қўшимча 1 процент кўпайтириш, маҳсулот таннархини эса 0,5 процент камайтириш учун зарбдор вахта қизғин давом этяпти.

Кейинги икки йилда корхонада меҳнат унумдорлиги ҳамда маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажми 3,4 процент ўсди. Бунда, албатта корхонада жорий этилаётган янги технологиянинг роли каттадир. Масалан, «ТЛБ—40» ҳамда «ТЛБК—40» юқори унумли комплекс дастгоҳларнинг ўрнатилиши беш йилликнинг охирги йилигача меҳнат унумдорлигининг 2,5 баравар ошишини таъминлайди.

Айни пайтда бирлашмада Т«П—21—3» маркали мукаммал тўқув ўраш дастгоҳлари ҳам муваффақият билан ўзлаштирилмоқда.

ЮБИЛЕЙГА БАҒИШЛАБ

БУГУН

Тошкент Давлат маданият институтида Ўзбекистон ССР ва Ўзбекистон Компартиясининг 60 йиллигига бағишланган илмий-амалий конференция бўлиб ўтди.

Конференц и я д а КПССнинг жанговар отрядларидан бири — Ўзбекистон Компартиясининг 60 йил давомида амалга оширган тарихий ишлари, республикада санъаткор кадрларни тайёрлаш соҳасида эришилган муваффақиятлар, Ўзбекистон халқ хўжалигининг тараққиётига оид докладлар тингланди.

• САНЪАТ ЯНГИЛИГИ ФЕСТИВАЛЬ ҒОЛИБИ

Фарғона шаҳрида ўтказилган Бутуниттифоқ эстрада ва жаз музикаси ансамбларининг фестивали ўзига хос истеъдодли коллективларни аниқлаб берди.

Шулардан бири Тошкент қишлоқ хўжалиги институтининг «Гулдаста» деб номланган эстрада ансамблидир. А. Ёқубов бадиий раҳбарлик қилаётган студентлар бадиий ҳаваскорлик коллективи бу обрўли кўрикда жаҳон ва совет композиторларин и н г классик музика асарларини ижро этиб, истеъдодлиги учун муносиб мукофотлар билан тақдирланди. Унга Фарғона область ижроия комитети ва комсомол комитетининг дипломлари ва фахрий ёрлиқлари топширилди.

Ўзбекистоннинг навқирон 60 йиллик тўйига бағишланган бу катта кўрикда Новосибирск, Ленинград, Вильнюс, Олмаота ва бошқа кўпгина шаҳарлардан келган коллективлар музика санъатини намойиш этдилар.

ТЕЛЕТАЙП ЛЕНТАСИДАН

● КОҲИРА. Мисрдаги кончиларнинг ва ҳаво кемасозларнинг ишлаб чиқарадиган «Мирано» техникаси техникаларни ишчиларидан уч юз нафар киши ишсиз қолди. Бир неча йил муқаддам «очиқ эшиклар» кунида корхонада ташкил қилинган бу хусусий компания ҳозир мобий ишчиларга тегишли сабабли иш ҳажмини анча қисқартиришга ва жумладан, асбоб-ускуналарни ўрнатиш ва монтаж қилиш секторини тугатишга қарор қилди. Шу секторнинг барча ходимларига мажбурий «отпуска»га чиқиш тўғрисида билдириш хатлари топширилди.

● РАБОТ. Марокаш пойтахтидаги Совет маданияти марказида рус тилини ўрганиш курслари тингловчиларининг навбатдаги битириб чиқиш маросими бўлиб ўтди. Ишчилар, хизматчилар, зиёлилар, студентлар ва ўқувчилардан 165 киши ўқув йилини муваффақиятли якунлади. Улардан 60 киши таълимнинг тўла курсини тамомлаганлиги тўғрисида диплом олди.

Кейинги вақтларда Марокашда рус тилини ўрганишга бўлган қизиқиш анча ўсди.

● ДАМАШҚ. Исроилда озиқ-овқат маҳсулотлари ва энг зарур моллар кўпчилик турларининг нархларн яна оширилганлиги эълон қилинди. Бензин, дизель ёқилғиси, мазут, газ ва ёнилғи-мойлаш материалларининг бир қанча бошқа турлари 10 процент қимматлашди. Айни вақтда нон, сут, тухум, гўшт ва бошқа маҳсулотлар, шунингдек энг зарур моллар нархи ўрта ҳисобда 8 процент оширилди.

Кузатувчилар Исроилда нарх-навонинг яна кўтарилганини исроилли меҳнаткашлар манфаатларига янги зарба, деб ҳисобламоқдалар. Сионист ҳукмрон доираларнинг қўшни араб давлатларига нисбатан тутган агрессив йўли меҳнаткашлар гарданига оғир юк бўлиб тушмоқда. Шу нарса характерлики, нарх-наво узлуксиз оширилаётганига қарамай, кўпчилик исроилликларнинг иш ҳақи кейинги бир неча йил мобайнида ўзгармай қолмоқда.

● ИСТАМБУЛ. Туркияда ишсизлар кўпайиб, 4 миллион кишига етди. Ана шундай шароитда турк меҳнаткашларидан минг-минглаб киши иш қидириб, ҳар йили Ғарбий Европа ва Яқин Шарқ мамлакатларига кетишга мажбур бўлмоқда. «Гюнайдин» газетасининг хабар беришича, шу йил инженерлар, техниклар ва ишчилардан 10 мингдан кўпроқ киши Саудия Арабистонига жўнаб кетиш ниятидадир. Мутахассисларнинг фикрича, малакали ишчи кучларининг Туркиядан кетиб қолиши оқибат натижада мамлакатни иқтисодий ривожлантиришга салбий таъсир ўтказиши мумкин. Расмий статистикага мувофиқ, ҳозирги вақтда араб давлатларида 180 минг турк граждани меҳнат қилмоқда. ГФРда эса улар бир миллион кишидан кўпроқни ташкил этади.

● ТУНИС. Тунис шимолида Сиди ал-Берран гидротехника комплексини барпо этиш юзасидан ишларнинг биринчи босқичини Совет Иттифоқи бажариши тўғрисида СССР билан Тунис ўртасида шартнома имзоланди.

Ўтган йилнинг октябрида СССР ва Тунис ҳукуматлари ўртасида тузилган битимга мувофиқ имзоланган шартномада совет ташкилотларининг Сиди ал-Берран кичик тўғонлар учун лойиҳа-ҳужжатлари ишларини ўтказишлари кўзда тутилади.

(ТАСС).

ДОЛЗАРБ МАВЗУ

ЯШИЛ ЛИБОСНИ АСРАЙЛИК

Тошкентлик кексалар ёзнинг иссиқ кунларн кун бўйи шаҳар бўйлаб юриб дарахтлар соясидан чиқилмаган пайтларини эслашади. Ҳозир ҳам Ўзбекистон пойтахти—мамлакатнинг энг салқин шаҳарларидан бирн. Юз минглаб дарахтлар, миллионлаб буталар унга мусаффолик, мўътадиллик бахш этади, бизнн саратон қуёшидан муҳофаза этади, шаҳар шовқинининн ютади, ҳавонн тозалайди. Шаҳар марказн ҳамшаҳарларимиз_нинг ва Тошкент меҳмонларининг севимли сайргоҳига айланган. Инқилоб хиёбонидаги аср тенгдоши бўлган чинорлар ўзбек халқининг яшил инҳоларга бўлган муҳаббатининг тимсолн дейиш мумкин. Шаҳар бошқа районларининг яшил чиройн ҳам ўн йиллар мобайнида таркиб топдн.

Ўн йиллар... Зотан, бугунги кунда Тошкент ҳар қачонгидан тезроқ ўсяпти. Шаҳар харитасида янги турар жой микрорайонларн пайдо бўляпти, уларнинг ёнида парклар ва кичик хиёбонлар, уйларнинг атрофларида кичик боғчалар барпо этиляпти. Булар илгарнги кўп оилали ҳовлиларни эслатади. Лекин яшил инҳоллар ҳамма жойда ҳам кўзни қувонтиравдими! Афсуски, йўқ. Ҳар йилн Тошкентда ободонлаштирилган ойликлари ўтказилиб, 700—800 мингта дарахт ва 2 миллион туп буталар ўтқазилаётган бўлишига қарамай, айрим районлар ҳамон қуп-қуруқлигича қоляпти. Чунончи, бу йил Ҳамза, Октябрь районларида кўчатларнинг 10—12 процентн қуриб қолди. Бу юзлаб, минглаб туп дарахт демакдир. Кўпинча дарахтлар шунчаки ҳисобот учун жой шароитн ҳисобга олинмай ўтқазилади. Масалан, «Қўйлиқ—4» массивида, 52-маршрутда қатновчи автобуснинг айланиш жойи яқинида бир неча марта заранг кўчатлари ўтқазилди. Лекин сув йўқлиги сабабли кўчатлар ҳар йили қуриб қоляпти. Ваҳоланки, жуда яқин жойда сув сояб.

Тошкентда 4 ярим минг километр майда ирригацня тармоғи бўлиб, унинг анчагина қисмн чиқиндилар билан тўла. Илгарн нчимлик сув етишмаган пайтда арнқ ҳар бнр шаҳарлик учун тоза сув манбаи эди. Сув муқаддас сана_лар, унга аҳлат ташлашни ҳеч кнм хаёлига келтирмасдн. Ҳозир бундай эмас. Кўпинча бинокорлар арнқ тармоғнга бефарқ қарашади. Ушбу масалага район ижроия комитетларида ҳам етарлн эътибор бериламайди. Яқинда газета ана шундай факт ҳақида ёзган эди. Воқеанн қисқача баён этиб ўтамиз: Куйбишев районидан Яланғоч каналн оқиб ўтади. Бу канал чин маънода мажнй чиқиндихонага айлантирилган бўлиб, анча вақтдан бери тозаланмайди. Бунинг оқибатида каналдан деярли сув ўтмайди, дарахтлар, буталар қурнляпти.

Қўйлиқдаги массивларнн олайлик. У ердан бетон арнқлар ўтказилган. Лекин ягона система_га бирлаштирилмаган, қияликлари ростланмаган. Бунинг оқибатида ишламаяпти. Бундай аҳволни Юнусобод массивида ҳам кўриш мумкин. Арнқларни кўп жойда пнёдалар йўлкаларн ва автомобнллар ўтиш жойлари кесиб ўтган бўлиб, уларнинг остнга қувур ётқизилмаган. Ҳатто яшил инҳоллар суғорилаётган жойларда ҳам сув кўпннча йўлкаларга оқиб ётади ва аҳолига ноқулайлик туғдиради.

Газетхонлардан келаётган кўплаб хатларга қараганда шаҳарнинг бошқа районларида ҳам аҳвол шундай.

Бинокорлар янги объектларнн фойдаланишга топшираётганда қабул комнссняларн нафақат уй-жойнинг, балки майда нрригацня тармоғнинг ҳам ҳолатнга жиддий қарамоқларн лозим деб ўйлаймиз. Чунки арнқлар атрофдаги территорнянн тезроқ кўкаламзорлаштиришга имкон бернши мумкин.

Фикримизча, юқоридаги масала билан бир қаторда шаҳар яшил фондини сақлаш масаласи ҳам ғоят муҳим. Афсуски, қуйидагича манзаранн ҳамон кузатиш мумкин: болалар ўз оналарн ва оталарн томонндан коммунистик шанбаликларда ўтқазилган ёш инҳолларнн аёвсиз синдирншади. Бундай фактларга нисбатан муросасиз бўлиш, шаҳарнн кўкаламзорлаштирнш ишнни кенгроқ тарғиб этиш, болаларда табиатга муҳаббат, ота-оналарнинг меҳнатига ҳурмат туйғусннн уйғотмоқ лозим. Дарахтнн синдирган кишн атрофдагиларнинг ғазабн ва муросасизлигига дуч келсин. Очиғини айтганда дарахтлар, буталарнн фақат болаларгина синдирмайди. Куйбишев шоссеси_нинг Қорасув бозорн, аниқроғи Новий Путь кўчаси билан кесишган жойндаги фнлиалн атрофдаги участкага назар ташлайлик. Бу ерда катта йўлнн яшил инҳоллар иккига ажратиб туради. Бу ерга қайта-қайта гул ва бута инҳоллари ўтқазилган эдн. Бнроқ инҳоллар пнёдаларнинг мақсус ўтиш жойндан фойдаланмасликлари оқибатида босиб ташланяпти. Бундай фактларнн жуда кўп келтирнш мумкин.

Дарахт... У ҳаммша инсон саховатининг рамзи бўлган. Барча асрларда ва барча халқларда дарахт ўтқазган инсон яхши одам ҳисобланган бежиз эмас. Табиатга бўлган муҳаббат маънавий етуклнкнн нфодалаган. Келинг, шаҳар яшил либосини авайлаб асрайлик. У бизга яхши кайфнят ва саломатлнк бахш этаверади.

ШУ КУННИНГ НАФАСИ

Бугун Тошкентда:

Тошкент марказлашган усулда юк ташиш автомобиль трестида анъанавий ахборот куни бўлиб ўтди. Унда қатнашган ишлаб чиқариш илғорлари, ёшлар мураббийлари тажрибаларини ўртоқлашдилар, автомобиль транспорти коллективларида бригада методини тадбиқ этнш масалаларини муҳокама қилдилар.

●

Ўзбекистон ССР ва Ўзбекистон Компартиясининг 50 йиллиги номидаги тикувчилик ишлаб чиқариш бирлашмасида республикамизнинг юбилейи олдидан тикувчиларнинг Ўзбекистон санъат усталари билан учрашуви бўлиб ўтди. Унда Алишер Навоий, Муқимий номли театрларнинг санъаткорлари, Ўзбекистон телевидениесининг миниатюралар театри артистлари қатнашиб катта программада концерт бердилар.

●

Тошкент Грампластинкалар заводида Ўзбекистон ССР ва Ўзбекистон Компартиясининг 60 йиллигига бағишлаб республика Ленин комсомоли мукофотн лауреати Дилором Сайдаминова ва композитор Аваз Мансуровларнинг ижодий кечаси бўлади. Завод меҳнатчиларн ҳузурига хушовоз хонандалар ва эстрада коллективлари меҳмон бўлиб боради. Кечада композиторларнинг янги куй ва қўшиқлари янграйди.

ОБ-ҲАВО

● Бугун эрталаб совт 11 да Тошкентда 27 даража иссиқ бўлди. Шу кеча-кундузда ҳаво кам булутли, ёғингарчилик бўлмайди. Кечаси 18-23, кундузи 33-38 даража иссиқ бўлади.

• КПСС XXVI съезди қарорлари—ҳаётга!

Сифатга эътибор бериб

Ишлаб чиқаришда маҳсулот сифатини комплекс бошқариш системасини яхши йўлга қўйган корхоналарнинг республика кўрги ўз ишини яқунлади. 1983 йилда республикамиз саноат корхоналарида партия XXVI съезди қарорларига асосан маҳсулот сифати ва уни аттестация қилиш, самарадорликни янада оширишда эришилган ютуқлар казилиб келинмоқда.

Кўрикда 101 бирлашма, 24 министрликнинг саноат корхоналари қатнашди. Бу кўрик Ўзбекистон касаба Союзлари Республика Совети, Ўзбекистон ЛКСМ Марказий Комитети ва республика Давлат Стандартлар бошқармаси томонидан 1976 йилдан буён ўтказилиб келмоқда

Ўнинчи беш йилликда асосий эътибор ишлаб чиқаришда маҳсулот сифатини комплекс бошқариш системасини жорий қилиш ва сифатли маҳсулотларни кўплаб ишлаб чиқаришга қаратилган бўлса, ўн биринчи беш йилликда кенг истеъмол буюмлари турларини кўпайтириш, барча саноат тармоқларида, бирлашма ва корхоналарда Днепропетровск ва Краснодар ўлкалари иш тажрибаларини кенгроқ жорий этиш асосий мақсад бўлиб қолди.

Бу илғор системанинг саноатда қўлланилиши яхши натижалар бермоқда. 1984 йилнинг биринчи январигача 200 корхонанинг 2175 номдаги маҳсулоти давлат Сифат белгиси билан тайёрланди. Шулардан 1218 хили кенг истеъмол буюмларидир.

Аттестация қилинган маҳсулотлар ичида халқ хўжалигида муҳим аҳамиятга эга бўлган компрессорлар, экскаваторлар, трактор прицеплари, пахта териш машиналари, трансформаторлар, чинни ва мебель, газлама ва трикотаж буюмлар кабор.

Давлат Сифат белгиси билан муҳрланган маҳсулотлар Химия машинасозлиги министрлиги корхоналарида 64,4 процентни, электр техникаси саноати министрлиги корхоналарида 54,3 процентни, Станкосозлик министрлигида 43,8 процентни, Мебель саноати министрлиги корхоналарида 32,4 процентни ташкил этди.

Илғор система асосида республикамиздаги 20 дан зиёд корхона ўз маҳсулотларининг 50—90 процентини фақат давлат Сифат белгиси билан ишлаб чиқармоқда. Агрегат заводи, «Ташэлектромаш», «Компрессор», «Қизил тонг», тикувчилик ишлаб чиқариш бирлашмаси, «Тошкент» мебел бирлашмалари каби корхоналар шулар жумласига киради. Жорий қилинган илғор система туфайли 44,1 миллион сўм иқтисодий фойда кўрилди.

Республикамиз дағи Химия машинасозлиги министрлиги, Станкосозлик, Йўл қурилиш машинасозлиги, Қишлоқ хўжалиги машинасозлиги, Металлургия, Гўшт-сут саноати, Енгил саноат, Мебель саноати министрликларидаги барча корхоналарда айни пайтда комплекс система жорий қилинди.

Ўн биринчи беш йилликда комплекс системани транспорт, қурилиш ва қишлоқ хўжалигида кенг миқёсда жорий этишга катта аҳамият берилмоқда. Ҳозиргача республика Автотранспорт министрлигидаги 12 корхона ва Қурилиш министрлигидаги 8 корхона бу системани жорий қилишга муваффақ бўлди. 17 министрликдаги 106 корхона комплекс системани жорий қилиш бўйича техник масалаларни рўйхатга олди.

«Ташсельмаш» заводи, Ўзбекистон ССР ва Ўзбекистон Компартияси 50 йиллиги номли тикувчилик ишлаб чиқариш, «Средазэлектроаппарат» ишлаб чиқариш бирлашмаларида бу ишлар муваффақият билан йўлга қўйилди. Комплекс система жорий қилинган корхоналарда янги хил маҳсулотлар ишлаб чиқариш кўпайди, завод браки камайди, меҳнат унумдорлиги ва сифатли маҳсулотлар ишлаб чиқариш умумий салмоғи ошди.

Ҳозирги кунда республика саноат корхоналарида маҳсулот сифатини комплекс бошқариш системасини жорий қилиш ишида сифат кабинетлари методик ёрдам бермоқда. Республика кўриги якунида саноат корхоналаридан 55 таси Ўзбекистон касаба союзлари Республика Совети, Ўзбекистон ЛКСМ Марказий Комитети ва республика Давлат стандартлар бошқармасининг дипломи билан мукофотланди.

Республикамиз саноатчилари юбилей йилида 730 хил маҳсулотни фахрли беш қиррали белги билан ишлаб чиқариш, бу турдаги маҳсулотлар умумий салмоғини 32 процентга етказиш мажбуриятини олганлар. Бу корхоналар коллективларининг серқуёш диёримизнинг қутлуғ айёмига муносиб туҳфалари бўлади.

Г. ВОҲИДОВА,
Ўзбекистон ССР Давлат стандартлар бошқармаси ходими.

ЖАҲОН ОЙНАСИ

ТАСС ВА АПН МУХБИРЛАРИ ХАБАР ҚИЛАДИЛАР

Кўплаб ёшлар қабул қилинади

БАҒДОД. Шу кунларда Ироқдаги ўрта ва тўлиқсиз ўрта мактабларнинг салкам 340 минг ўқувчиси битириш имтиҳонларини топширмоқда. Улардан юз мингдан кўпроқ йигит ва қиз университет, институт ва коллежларнинг студентлари бўлади. Бу йил олий ўқув юртларига кўплаб ёшлар қабул қилинади, деб хабар берди ИНА агентлиги.

Мамлакатдаги мактаб ўқувчилари ва студентларнинг умумий сони 4 миллионга яқинлашиб қолди. Барча босқичларда ўқиш бепулдир. 1978 йилдан бошлаб умумий мажбурий бошланғич таълим жорий этилди.

Ироқ саводсизликни тугатишда ажойиб муваффақиятларга эришди. Ана шу вазифани ҳал этиш соҳасидаги республика тажрибаси халқаро миқёсда, шу жумладан ЮНЕСКО томонидан эътироф этилди. Саводсизликни тугатиш курсларини битириб чиққан юз мингдан кишилар халқ мактабларида таълим олишни давом эттирмоқдалар.



Гвинея-Бисау Республикасида давлат «халқ магазинлари» мавжуд. Бу магазинларда ҳаётдан мустаҳкам ўрин олди. Бундай магазинларда аҳоли бутун давлат савдоси мужассамлашган.
СУРАТДА: Бисау мамлакати пойтахтидаги «халқ магазини».
В. Зубков фото
ТАСС фотохроникаси

ПОЗНАНЬ ЯРМАРКАСИДА СССР КУ

ВАРШАВА. Познанда давом этаётган халқаро ярмаркада СССР куни ўтказилди. Совет экспозициясининг кўп сонли томошабинлари эътиборини ўзига жалб этди. Совет Иттифоқи Познанда мамлакатнинг 200 та корхонаси ишлаб чиқараётган буюмларнинг 3500 та намунасини намойиш қилмоқда.

Ярмарканинг чет элдан энг катта қатнашчиси бўлган экспозицияси XXVI съезд лаб берган ленламдаги ошқ содий вазифа ҳал этишда. овқат программа бажаришда, ни кашлар фермер ни оширишда халқи эришган ларни акс эт

Табиий медицина хом ашёси

КОБУЛ. Суғориш—Афғонистон Демократик республикасининг қишлоқ хўжалигини ривожлантиришда ғоят муҳим аҳамият касб этади. Мамлакатнинг тупроқ-иқлим шароитларига кўра, йилига уч марта ҳосил олиш мумкин бўлган районлари сув тақчиллигидан қийналмоқда. Шу боисдан революцион давлат мавжуд суғориш системаларини сақлаш ва ремонт қилишга, янги каналлар, дамбалар, қудуқлар қуришга доимо кўплаб маблағ ажратмоқда. Бу муҳим ишда деҳқонларнинг ўзлари ҳам халқ ҳокимиятига катта ёрдам бермоқдалар.

* *

Афғонистон Демократик республикасида йилига тўрт ярим минг тоннадан зиёд доривор ўсимлик етиштирилмоқда. Апрель революциясидан кейин ташкил қилинган доривор ўсимликлар етиштириш ва экспорт қилиш давлат компанияси йил сайин ўз қувватини оширмоқда. Мамлакатнинг деярли бутун территориясидаги турли иқлим зоналарида ҳозиргача сақланиб қолган ноёб қўриқ хоналар шароитлари бунга ёрдам бермоқда. АҚШ, Англия, Франция, Италия, Японияниг фармацевтика фирмалари ва ташкилотла- ри Афғон дорбахш истеъмолчилар, АДР СССР ва дистонга доривор ликлар етказиб тўғрисида шу катлар билан битимлар тузи кратик Афғонистондаги табиий медицина ашёсини сотиш тур миллий ана шу мод қиймати 177 афғонияни ташки

ЧЕТ ЭЛ МАДАНИЯТИ ЯНГИЛИКЛАРИ

ПРАГА. Либерец, Карвина ва Карлови Варидан келган болалар ва ёшлар хорлари Першбрам шаҳрида ўтказилган «Дўстлик қўшиқлари» анъанавий конкурсининг ғолиблари бўлди. Советлар мамлакати музика асарларини энг яхши ижро этишга бағишланган чехия хор коллективларининг ана шу ғоят оммавий мусобақаси 10 марта ўтказилди. Бу йил тинчлик учун, урушга қарши кураш масаласи асосий мавзу бўлди. Район ва область кўрикларининг ғолиблари бўлган 29 коллектив конкурс финалида қатнашмоқ учун бу ерга келди. Конкурснинг турли босқичларида жами 738 та хор коллективи қатнашди.


* * *


ХЕЛЬСИНКИ. Марказий Финляндиядаги Куопио шаҳрида ниҳоясига етган музика ва рақс анъанавий миллий фестивали 70 мингдан зиёд томошабиннинг эътиборини ўзига жалб этди. Фестиваль 15 марта ўтказилди. Фестиваль концертлари ва томошаларида 11 мамлакатдан келган бадиий коллективлар ва солистлар, шу жумладан Финляндия миллий операсининг балет труппаси, Венгрия ва Франция солистлари ва хореография коллективлари қатнашдилар. Куопиодаги фестиваль—Финляндия музикали ёзи тадбирлари қаторида ўтказилаётган 40 га яқин музика ва рақс, опера, жаз, театр, орган музикаси байрамларидан биринчисидир. Совет ижрочилари, музика ва рақс ансамблари бу байрамларда анъанавий меҳмонлардир. Шу йил ёзда бу ерда дирижёр Геннадий Рождественский, Латвия камера оркестри ва бошқа ижрочи коллективлар ўз маҳоратларини намойиш қиладилар.

* * *

ИСТАНБУЛ. «Мен ғоят бахтиёрман, ССР Иттифоқи Большой театрининг дипломи эса мен учун ғоят қимматлидир». Бу сўзларни яқинда Москвадан қайтиб келган таниқли турк балеринаси Мерич Сюмен айтди. У Москвада хореография санъатидан дарс бериш асосларини ўрганди. Туркия балети, деди машҳур раққоса, ажойиб тарихга эга. Шу боисдан М. Сюмен Москвада олган билимларини анъанавий турк рақсини ривожлантириш йўлида қўлланишни истайди.

Фотокалейдоскоп





ГФР. Жассель шаҳридаги виставкада намойиш этилган роботлар экспозицияси бу ўзига хос бадиий композиция «роботлар оиласи» бошланишини ифода этади.
ДПА—ТАСС фотосурати

* * *

Швейцариядаги Хаттвил қишлоғида истиқомат қилувчи кишн ўзи ихтиро қилган улкан сават билан фахрланади. Негаки, мамлакатда ҳали бундай сават йўқ.
Кейстон—ТАСС фотосурати

ЭНГ МУҲИМ ВАЗИФАЛАРДАН БИРИ

ҚОҲИРА. МАРда 1 июлда бошланадиган 1984-1985 молия йилида мамлакатни социал-иқтисодий ривожлантириш плани қабул қилинди. Планлаштириш министри Камол ал—Ганзуриннинг МЕН агентлигига хабар қилишича, Миср миллий экономикаси тармоқларига сарфланадиган капитал маблағларнинг умумий ҳажми 4 миллиард 691,9 миллион Миср фунтини ташкил этади. Бу эса тугалланаётган молия йили кўрсаткичларидан анча кўпдир. Янги иқтисодий пландан кўзда тутилган мақсад, — деди министр, — ишлаб чиқариш тармоқларини жадал ривожлантириш йўли билан МАР экономикасида 70-йилларда вужудга келган структурали номутаносибликни бундан буён ҳам бартараф этишдан, пул билан таъминлашнинг ажнабий манбаларига қарам бўлишни қисқартиришдан, шунингдек ташқи қарзни камайтиришдан, ўзини оқлаган халқ истеъмоли молларини импорт қилишни қисқартган ҳолда моллари экспорт қилинадиган тармоқларини бутун ҳар билан ривожлан дан иборатдир. нинг ташқи алоқалари сини ишлаш унинг ташқи муносабатларини занатлантириш гусида МАР ҳукумати сиёсатининг энг вазифаларидан дир, деди министр.

Бошланғич партия ташкилотларида

Ўқув муваффақиятли якунланди

КПСС Марказий Комитетининг июнь (1983 йил) Пленуми қарорлари, ўртоқ К. У. Черненконинг шу Пленумдаги докладида баён этилган қонда ва хулосалар «Средазэлектроаппарат» ишлаб чиқариш бирлашмаси партия сиёсий маорифи системасининг машғулотларига янгича мазмун бағишладн. Бу машғулотлар савиясини оширишга, идеологияя ишларн таъсирчанлигини кучайтиришга, ўқувнинг ҳаёт билан узвий боғланишига катта таъсир кўрсатди.

Кун кеча бўлиб ўтган партия ўқуви, комсомол сиёсий маорифи шақобчаларидаги якунловчи машғулотларда бу фикр яна бир бор қайд этиб ўтилди. Бу машғулотларга пухта тайёргарлик кўрилди. Владимир Чебасов, Василий Федорович Фетисов, Содиқ Розиқович Жумаев сингари тажрибали пропагандистлар ўтказган якунловчи машғулотлар тингловчиларда катта таассурот қолдирдн.

Бирлашмада илмий коммунизмнинг учта мактабида «Марксизм—ленинизм ғояларини пропаганда қилиш, буржуазия идеологиясига қарши муросасиз, ҳужумкор кураш олиб бориш —партиянинг идеологик ишидаги бош вазифадир» мавзуида илмий-назарий конференция ўтказилди. Нина Викторовна Циганкова, Надежда Яковлевна Чекмаева каби пропагандистларнинг якунловчи машғулотларда тингловчилар билан ўтказган индивидуал суҳбатлари тингловчиларнинг иқтисодий билимларини амалий ишда активроқ қўллашларига ёрдам бермоқда.

Якун ва режалар

Ҳа, партия сиёсий маорифи системасида ўқув йилини якунлаш айни пайтда янги ўқув йилига тайёргарлик тадбирлари билан узвий боғланиб кетади. Ўзбекистон ССР ва Ўзбекистон Компартиясининг 50 йиллиги номли тикувчилик ишлаб чиқариш бирлашмасининг партия сиёсий маорифи системасида 3 та мактаб, 13 та группа ишлади. Шунингдек, 23 та иқтисодий таълим мактабларида машғулотлар олиб борилди.

Зинаида Михайловна Азимова, Назира Шариповна Туробова сингари моҳир пропагандистлар ўзларининг пропагандистлик бурчларига сидқидилдан ёндошдилар. Машғулотларда коммунистларнинг активлиги ва ижодкорлигини таъминлаш, ўқув савиясини янада кўтариш учун зарур бўлган барча чораларни кўрдилар. Тингловчилар билан шахсий суҳбатлар ўтказиш, машғулотларни пухта таҳлил этиш, уларнинг ютуқ ва камчиликларини қайд этиш, янги ўқув йилида бу камчиликларга йўл қўймаслик учун қандай тадбирлар кўришга эътибор беришди. Н. Туробова, Л. Сидорова, И. Шегай сингари энг яхши пропагандистлар фахрий ёрлиқлар, қимматбаҳо совғалар билан тақдирландилар.

Коммунистлар активлиги ошмоқда

Ўзбекистон ССР ва Ўзбекистон Компартиясининг 60 йиллиги шарафига ўзаро социалистик мусобақани кенг тус олдираётган «Малика» трикотаж ишлаб чиқариш бирлашмасининг партия комитети энг аввало коммунистлар активлигини оширишга эътиборни қаратмоқда. Уларнинг куч-ғайратларини зиммаларига олган юксак мажбуриятларини бажаришга, уюшқоқлик ва интизомни мустаҳкамлашга сафарбар этмоқда. Тикув-бичиш цехининг Б. Айменова бошлиқ бригадаси коммунистлари «ўқиғизлар ташаббусини» бошлаб берганлардан эди. Ҳозир ҳар бир меҳнат коллективида уларнинг меҳнат унумдорлигини планга қўшимча оширш ва маҳсулот таннархини камайтириш бўйича ташаббуси қизғин қўллаб-қувватланган. 1400 дан зиёд киши, ўнга яқин бригада ана шу ташаббус асосида ишламоқда. Тўқувчи, коммунист Машкура Қодирова меҳнат унумдорлигини пландагидан икки ҳисса оширишга эришмоқда. Партия комитети коммунистларнинг ҳар бир ташаббусини ўз вақтида илғаб, уни барчанинг мулкига айлантиришга интилмоқда. Бирлашмада ўнлаб ишчилар беш йиллик топшириғини 3,5—4 йилда бажарганлиги, мингдан зиёд киши эса Ўзбекистон ССР ва Ўзбекистон Компартиясининг 60 йиллигигача беш йиллик топшириғини бажаришга ахд қилганлиги бунинг яққол далилидир.



«Главташкентстрой»нинг 6-трест 7-қурилиш бошқармасида Исроил Понзов 30 йилдан бери бригадир бўлиб ишлайди (ўртада). «Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган қурувчи» номига сазовор бўлган бу бунёдкор ҳозир 1986 йил ҳисобига меҳнат қилмоқда.

Т. Каримов фотоси.

• *«ТЎҚҚИЗЛАР ТАШАББУСИ»—АМАЛДА*

МАҲОРАТ ИМТИҲОНИ

ПОЙТАХТ ҚУРИЛИШЛАРИДА

«Б—1» микрорайони қурилишида Меҳнат Қизил Байроқ ордени кавалери М. Егорушкин бошлиқ бригада юқори кўрсаткичларга эришмоқда. Михаил Андреевич «Главсредазирсовхозстрой» системасида, асосан «Промстрой» трестининг 92-қурилиш-монтаж бошқармасида 25 йилдан буён баракали меҳнат қилиб келади. Дурадгорлар етакчиси бой тажрибага эга. У бир ишга қўл урса, охирига етказмай қўймайди.

... Бир воқеа ҳамон унинг ёдида. Календарь план бўйича тўққиз қаватли уйни топширишга бир ой вақт қолган эди. Иш эса кўп. Кўпчилик объектнинг ниҳоясига етказилишига ишонмас эди. Дурадгорлар бригадирни қўллаб-қувватлашди. Улар бригаликда енг шимариб ишга киришдилар. Бригадир ҳар ишда бош-қош бўлди. Виктор Дементьев, Александр Росторгуев каби коммунистлар жонбозлик кўрсатдилар. Улардан бошқалар ҳам ўрнак олишди. Энг яхшилар рекорд кўрсаткичга эришдилар — ишлаб чиқариш нормаларини икки, уч баравар ошириб бажаришди. Натижада уйни ўз муддатида топширишга эришдилар. Шу заҳотиёқ 36 квартирали уй қурилишига қўл уришди. Уни пойдеворидан бошлаб қуришга киришишди.

Ўша кунлар Альбек Ахмадуллиннинг хотирасидан сира чиқмайди. Уни очиқ партия йиғилишида КПСС аъзолигига қабул қилдилар. Чунки қурилишнинг сўнгги босқичида Альбек ўзини кўрсатди, юксак натижага эришиб, бошқарма партия ташкилоти томонидан топширилган жамоатчилик вазифаларини муваффақиятли бажарди. Халқ контроли группаси ишида иштирок этди. Евгений Саблин эса иш тиғиз бўлишига қарамай, меҳнатни ўқиш билан бирга ликда олиб боришга қарор қилди. Ҳозир у Тошкент политехника институтининг энергетика факультетида таҳсил кўрмоқда.

26 кишилик бу коллективда Михаил Андреевичнинг роли катта. Бригаданинг барча аъзолари характерини «ичидан-игнасиг а ч а» билади. Энг муҳими, у меҳнатда бошқаларга ўрнак бўлиб, уларни ўз ортидан янги марралар сари эргаштира билади. Унинг ташаббуси билан дурадгорлар турдош касбларни ҳам эгаллаб олишди. Бу бекор туриб қолишларга барҳам берди. Кишиларнинг моддий ва маънавий қизиқишини оширди. Тўғри, улар бирданига юксак маҳоратга эга бўлиб қолмадилар, албатта. Бунинг учун йиллар талаб этилди. Уларнинг тажрибаси мамлакатимиз ва серқуёш Ўзбекистонда бунёд этилаётган кўпгина объектлар қурилишида вужудга келди. Улар Тошкентдаги Киночилар уйи, Железноводск ва Ўратепадаги даволаш пансионатлари, Гулистон ва Жиззахдаги турар жой биноларини қурилишида фаоллик кўрсатдилар. Ҳозир дурадгорларнинг иши тиғиз. Улар республика пойтахтида турар жой қурилишида масъулиятли ишларни амалга оширишмоқда. Бу албатта, маҳоратни намойиш этиш бўйича ўзига хос имтиҳон, бригада биографиясида ўзига хос муҳим босқичдир. Дурадгорлар имтиҳонни муваффақиятли топширишяпти — дурадгорлик ишларини яхши баҳоларда бажаришяпти. Улар тўртинчи қаватда ишлаб чиқариш нормасини икки баравар ошириб бажардилар. Яна Михаил Андреевич пешқадамлик қилди. У Марлен Исҳоқов билан паркет полни шундай ўрнатдики, қараб кишининг кўзи қувнайди. Егорушкин 19 хил пол ўрнатиш технологиясини билади ва ҳаммасини аъло даражада бажаради. Бу заргарга хос меҳнатга ўз шогирдларини ҳам ўргатган. Улар ҳам ишга ижодий ёндошиб, устоздан қолишмай иш бажаришга одатланишган.

Шу йилнинг январь ойида Егорушкин бригадаси Ўзбекистон ССР ва Ўзбекистон Компартиясининг 60 йиллигини зарбдор меҳнат билан нишонлашга аҳд қилган «ўқиғизлар ташаббуси»ни қўллаб-қувватлади. Дурадгорлар ўз зиммаларига юксак социалистик мажбурият қабул қилдилар. Мажбуриятнинг бир қисми бажарилди. Куни-кеча 36 квартирали турар жой биносини давлат қабул комиссиясига муддатидан илгари топширдилар.

Бригада барча топширилган объектларда аккорд бўйича қурилиш-монтаж ишлари таннархини 0,5 процент қисқартиришга эришди. Шонли санага қадар улар 1410 квадрат метр турар жой майдонини фойдаланишга топширишга бел боғлаганлар. Шу кунларда дурадгорлар ваъдага вафо қилиб, ишлаб чиқаришнинг қўшимча резервларини ишга солмоқдалар. Улар янги технологияни ўзлаштиришиб, янгиликларни жорий қилишга катта эътибор беришяпти «Маҳоратни оширишнинг чегараси йўқ!» — М. Егорушкин ана шундай деб ҳисоблайди. Ҳамкасблари ҳам унинг бу фикрини бир овоздан қўллаб-қувватлашади.

А. КАРИМОВ.

ЭЛЕКТР ИМПУЛЬСЛАР СЕЙСМОЛОГИЯ ХИЗМАТИДА

95 процент территорияси юксак сейсмик зонада жойлашган Қирғизистонда ер бағри геомагнит, электрометрик, сейсмохимик ва бошқа тарзларда кузатилмоқда. Шу кузатишлар натижасида олинадиган маълумотлар етилиб келаётган тектоник силжишларни, бинобарин бўлажак ер ости силкинишларини билишга имкон беради.

СССР Фанлар Академияси юксак температуралар институтининг олимлари республика сейсмологлари билан ҳамдўстликда Қирғизистон тоғларида янги асбоб —МГД-генераторни синаб кўрмоқдалар. Қирғизистон тоғи этакларига жойлаштирилган установка ер бағрига 40 километр масофага икки минг ампергача борадиган кучли электр ток импульсларини юборди. Бу импульслар жинс қатламларидан ўтаётиб, уларни баайни ёритади ва электрик қаршилик ўзгаришларини топади. Шунга қараб яқинлашаётган силжиш тўғрисида бир фикрга келинади.

Тадқиқотлар асосида республика территориясини сейсмик районлаштириш тафсилий карталари тузиб чиқилди. Қурилишни планлаштиришда шу карталар қўлланма бўлиб хизмат қиладн.

Фрунзе ТАСС мухбири.



•

Коммунистик меҳнат зарбдори Т. Андреева кўп йиллардан бери тўқимачилик комбинати 2-филиалида фидокорона меҳнат қилиб келмоқда. Смена топшириғини 110—120 процентга етказиб бажаришга эришаётган меҳнат илғори серқуёш днёрмизнинг шонли юбилейини муносиб туҳфалар билан кутиб олишга бел боғлаган.

СУРАТДА: Т. Андреева.

Ҳ. Мирзакаримов фотоси.

•

2 ТОШКЕНТ ВЕТ. ОҚШОМИ

14 ИЮНЬ, 1984 й.

Оила даврасида сухбатлар

АЁЛЛАР, СИЗЛАР УЧУН

АЁЛ — БУЮК СЎЗ. УНДА ҚИЗЛИК МУСАФФОЛИГИ, ДЎСТГА ХОС ФИДОИЙЛИК, ОНА ЖАСОРАТИ МУЖАССАМЛАШГАН.

Н. А. НЕКРАСОВ.

АЁЛНИНГ ВАЗИФАСИ—ЭРКАКНИНГ ҚАЛБ ШУУРИНИ, УНДАГИ ОЛИЖАНОБ ЭҲТИРОСЛАРНИ АЛАНГАЛАТИШ, БУРЧ ТУЙҒУСИ ВА ЮКСАКЛИК ҲАМДА БУЮКЛИККА БЎЛГАН ИНТИЛИШИНИ ҚЎЛЛАБ-ҚУВВАТЛАШДАН ИБОРАТДИР— АЁЛНИНГ ҚИСМАТИ ШУ ВА ШУ ҚИСМАТ БУЮК ВА МУҚАДДАСДИР.

В. Г. БЕЛИНСКИЙ.

Лаҳзалар

ЖАМИЛА ҚАҲ-ҚАҲ

Шу рубрика остидаги материаллар журналист Санъат МАҲМУДОВА таҳрири остида бериб борилади.

Бир томони кўп қаватли уйлар, бир томони катта боғча туташ Фарҳод кўчасида тонг қоронғусида бир аёл пайдо бўлади.

– Ҳай-ҳувв, жонли пилесослар-ув-в! —ҳайқиради у. Бу Жамила. Унинг қувноқ овози тонгни уйғотгандек бўлади. Бирин-сирин пастга тушган фаррош аёллар ҳамкасблари Жамила билан бир оз гаплашгач, ишга жўнашади.

Жамила ҳар куни одамларни шу тахлит уйғотади. Бу одатидан ўзи ҳузурланиб кечга-ча бир дунё ишни бажариб қўйганини ўзи сезмай қолади.

Жамила жаврай-жаврай супуриндиларни тўплади. Энди уларни замбилгалтакка солиб, йўлга олиб чиқиб қўйиши керак. Ҳадемай «Автодормехбаза» машинаси ҳам «ду-дут»лаб келиб қолади. Шўх болалар ўйнаб олиб кетиб қолмасин, деб у замбилгалтакни шу уйнинг ертўласига яшириб қўяди. Аёл ертўлага тушиб суқиб бароқ мушукка кўзи тушди. Унинг нозиқ миёвлашидан баданида чумоли ўрмалагандек бўлди. Шу пайт мушук сапчиб унинг олдига келди. Миёвлашидан бир нола сезган Жамила ўзини ёқ-бу ёққа назар солди. Нарироқда, аравани орқа томонида учмушук бола ўйнаб ётарди. «О, жонивор-а, болангдан айрилдингми? Нима бўлиб ўлдинг-а?.. Кўй, ҳафа бўлма. Ўзим сени уйга олиб кетаман. Билсанг, мен ҳам ёлғизман. Менинг ҳам болаларим йўқ».

У мушукни силаб-сийпалаб қўлига олди. Аммо шу тобдаги мушукнинг фарёдига чидай олмади, қўйиб юборди. Мушук югуриб болалари бошига бориб туриб олди.

«Майли, болаларингга обдон тўйиб ол, кейин олиб кетарман»,— деди Жамила аравани ғилдиратиб чиқаркан.

Эртасига Жамиланинг кўлида Бароқ мушукни кўриб: «Бечора, ёлғизлиги билинибди», деб қўйишди одамлар.

Агар эшигига қулоқ тутишганда Жамила ҳеч кимга айтмаган дил гапларини Мошгага айтаётганини эшитган бўлишарди.

* * *

Эй, Мошжон, агар менинг дардимни туяга юкласа, белидан чўрт узилиб кетарди. Кимга айтай, эгачисинглим бўлмаса, акаукам бўлмаса. Дардимни келиб-келиб сенга айтаман-да. Бировга айтсанг, ўзининг дарди етарли, бошқа биров устингдан кулади. Яхшиси сенга айтганим маъқул. Онадан ёлғиз қиз эдим. Кўзга яқин эканман шекилли, бўй етгач, совчилар эшигимизни елдек очиб туришарди. Иўлимда Сувонжон пайдо бўлди. Онамнинг юраги увишди. Ёлғиз қизнинг иши қийин экан. Онам мени куёвдан қизғонарди, билсанг. Охири онамга сиримни очдим. «Йўқ, бўлмайди Сувонжонинг! Кўзимнинг оқу-қорасини Андижонга узатиб, тошбақа тухумига термилгандай эшикка термилиб ўтираманми, қизим қачон келади деб. Бермайман!» деб гапни кесди онам. Аммо, қизининг бахтига болта урганини у пайт онам ҳам сезмасди. Сени холангнинг ўғли Собиржонга бераман: «Қўйнидан тўкилса — қўнжига. У ҳам ёлғиз. Ўзларингдан кўпаясанлар ҳали», деди онам. Собир билан болаликдан гурунглашиб ўсганмиз. Аммо, армияга бориб келганидан бери у менга бошқача қарайдиган, мен ҳам ундан тортинадиган бўлиб қолган эдим.

Кўзимиз тиригида тўйинларни кўриб қолайлик, деб опа-сингил тўй бошлаб юборишди. Ўн етти ёшимда келин бўлдим. Келинчаклик давримдан розиман, Мош! Собир акам ҳам, қайнонам ҳам кафтида кўтарарди мени. Қайнисинглим бир оз ғашлик қилиб турмаса, эрка хотин, эрка келин эдим. О, у кунлар ўтди-кетди, Мош! Фарзанд бўлмади, фарзанд! Қариндош-уруғлик никоҳининг оқибати шу бўлди, шу!

Онам бепуштлик сабабини англагач, хатосини тушунди, куйиб кетди. Қайнонам дардини ичига ютди. Эрим! О, раҳматли эргинам-а! Ана қариндош-уруғлик никоҳининг оқибати! У тузалмас дардга гирифтор бўлди. Аввал онамни кўмдим, қора кийдим. Кейин эримни! Вой, унинг ўлим ёстиғида ётганида: «Жамила, мендан бошқани демайсанми, сени кўзим қиймаяпти, мендан кечиккан кўрпаларда келин-куёвлар яйраса, бунга ҳам бир коп сеним раман. Мен кўрмаган бахт, мен кўрмаган болалар шуларга ато этсин, дейман.

Мошжон! Яна бир ҳангома-де.

Тунов куни ЖЭКнинг инженери сўлаги оқиб:

— Манга тегсанг, фаррошларга бригадир қилиб қўяман, — дейди.

Танам зириллаб кетди. Қаттиқ гапирмадим, ҳа, шуям одами бир тури. Ке, энди ўзингни бос, Жамила, дедим. Гапни бошқа томонга бурдим:

— Ҳа, бригадирликнинг ҳам ўзига яраша амоли бор, осон бўптими? Ана, бир йилда ЖЭКнинг начайлиги уч марта ўзгарди. Шу ишга келганимдан бери ўн саккизта начайлик кўрибман. Бировга дўқ қилиш, иш буюриш, ишлатиш осон, аммо, кўнглини олиш, юрагини билиш қийин. Шуни билиб олинг, ўртоқ инженер. Бизга кўча супуриш ҳам бўлаверади. Буни ҳам ҳамма эплайвермайди, — дедим.

Ана шунақа гаплар, Мош. Сени обкеганим яхши бўлди. Кўнглимни бўшатдим. Енгил тортдим, Ҳар кимга ҳам дардимни ёзавермайман. Ҳар ким ўз бошига ёққан қорни ўзи кураши керак. Бошқаларга оғирлигини солиб нима қилади. Одамлар бор, янги чиққан матодан кўйлак киймаса, кунини азага айлантиради. Одамлар бор, бировнинг дардига елкасини тоғдек тутади. Одамлар бор, ўз ғами ўзига етади. Шундай яшаш керакки, сенинг азобингни, сенинг дардингни биров тортмасин, бировга оғирлигинг тушмасин.

* * *

Қуёш ҳали ётоғидан мўралагани йўқ. Ғираширада Жамила ҳовлига тушди. Кафтдекина ерга экқан садарайҳонларни бир сийпаб чиқди. Димоғига хушбўй ҳид урилди. «Жониворлар-э» деб қўйди у. Сўнг жамбилдан бир-икки шох синдириб чеккасига қистирди. Бир оздан сўнг унинг ҳайқириғи эшитилди:

— Ҳай-ҳувв, жонли пилесослару-увв! Қани, туша қолинглар. Одамлар юрмасдан йўлкаларни бир супуриб қўяйлик!

Бирин-сирин дераза-лар очилди, хонадонларга хуш кайфият таралди.

— Жамила қаҳ-қаҳ-эй! Азонлаб ҳаммага кулги улашади-я! — дейишарди одамлар.

Қутби НОСИРОВА.



Дўппи тикдим, ипаклари тиллодан.

А. Тўраев фотоси.

ҲАЁТ ГУЛИ

(Донолар бисотидан)

Аёл фидойиликни тушунибгина қолмай, ўзини фидо қилишни ҳам билади.

И. С. ТУРГЕНЕВ.

* * *

Аёлларга хос ўлмас назокат яхши эркакларга ҳамиша қанот бағишлаб келган.

Р. РОЛЛАН.

* * *

Аёлга муҳаббат биз учун буюк, ҳеч нарсанинг ўрнини босолмайдиган аҳамият касб этади: у худди гўштга сепиладиган туздек: юракка сингиб, уни бузилишдан сақлайди.

В. ГЮГО.

* * *

Эркакларнинг ишончидан кўра, аёлларнинг гумони кўпроқ тўғри бўлиб чиқади.

Р. КИПЛИНГ.

* * *

Покиза ёшликка хос илк муҳаббат ҳамиша олижанобликка интилади. Табиат гўё бир жинснинг иккинчисидан яхшилик ва гўзалликни туйғу орқали қабул қилиб олишини истаётгандай.

И. ГЕТЕ.

* * *

Аёлсиз ҳаёт тонги ва оқшом —занф, кундузи — ғамгин бўлиб қолар эди.

П. БУАСТ.

* * *

Қиз боланинг жамики бойлиги— унинг номуси, бу бойлик ҳар қандай меросдан ҳам қимматлидир.

В. ШЕКСПИР.

ШОКОЛАД ЕМАГАН ДАСТУРХОНЧИ

(БЎЛГАН ВОҚЕА)

Раҳимахон опа набира кўрган экан қўни-қўшнилар тўпланишиб, муборакбод қилгани чиқдик. Дастурхон атрофига келиб ўтирганимизга ярим соатлар бўлди шекилли, айвондан кулги товуши эшитилди. Қайрилиб қарасак, даврада хизмат қилиб юрган дастурхончи хотин аёлларга қараб:

— Дастурхондаги ҳамма ноз-неъматлардан баҳам кўринглар, айланайлар, лекин «Қорақум», «Пахтакор», «Чародейка» шоколадидан кўп еманглар, тишга знён, иссиқни ошириб юборади,— деб ҳаммага куйиб-пишиб тайинлар эди.

— Тавба, ҳазиллашяптимикан? — деди қаршимда ўтирган кўзойнакли аёл атрофдагиларга разм солиб.

Тўрда кулимсираб турган нуроний онахон гап қотди:

— Айланайлар, — деди у, —бемалол ееверинглар, бу дастурхончининг феъл-атвори шунақа. Маҳаллада тўй-маъракабўлса, дарров корчалонлик қилади-қўяди. Шоколадни меъёрда еса, ҳеч знён қилмайди. Дастурхончининг ўзи тугун-тугун қилиб меваларни уйига ташиб кетади.

Ҳамма бир-бирига қараб кулиб қўйди.

— Одамнинг ҳар нарса бўлгани яхши бу куниданг, уйинда ширинлик емасмикан? — деди ёшгина келинчак.


Шу пайт эшик орқасида гап пойлаб турган дастурхончи бирдан сув илондек бураліб кириб келди. У ёқ-бу ёққа олазарак бўлиб, чимирилиб бобиллаб берди:

— Ўзларингга қараб гапиринглар, отабувам шоколад еб ўтмаган, мен ҳам емайман. Ҳозирги ёшларга ҳайронман, молнинг тосасинн кияди, овқатнинг аслини ейди!

Аёллар хаҳолаб кулиб юборишди. Дастурхончи эса кўксига уриб:

—Мен ҳеч ерда, ҳеч қачон бирор марта ҳам шоколад емаганман, деб жавардн...

Арофат НОСИРОВА.



Москва

премьералари

Москва. Н. В. Гоголь номли драма театри Т. Калецкая пьесаси асосида тайёрланган «Ксения Фёдорнинг севимли хотини» спектаклнин саҳнага қўйди Ушбу асар А. Гельман ва Т. Калецкаянинг шу номдаги киноқиссаси асосида яратилди. «Драматургия ва театрда замонавий ишчи образи» мавзумдагн фестивалга атаб тайёрланган спектаклда қурувчилар коллектнви ҳақида ҳикоя қилинади. Асарда меҳнатқаш совет аёллари образ гавдалантирилган.

Спектакль В. Боголепов, режиссёр В. Афанасьев, рассом В. Рубанов, композитор Е. Криллатовларнинг ижодий ҳамкорлигида яратилди.

Суратда: спектаклдан саҳна: Ксения Ивановна ролида А. Гуляренко.

М. Строков фотоси. ТАСС фотохроникаси.

ҲАМШАҲРИМИЗ РЕКОРДИ

Киевдаги «Динамо» сузиш ҳавзасида ўтказилган СССР чемпионати баҳслари якунланди. Бу беллашувларда тошкентлик спортчи Лариса Белоконь ажойиб муваффақиятни қўлга киритди. У юз метр масофани 1.09.71 секундда сузиб ўтиб мамлакат рекордини янгилади.

Лариса 200 метр масофага ўтказилган беллашувларда ҳам иккинчи ўринни эгаллади. Қувончлиси шундаки, мамлакат биринчилиги баҳсларида СССРда хизмат кўрсатган тренер Б. Зеновнинг яна бир шогирди Лариса Деревянкова ҳам иштирок этди. У совринли ўринни қўлга киритмаган бўлса-да, мутаассисларда яхши таассурот қолдирди. Демак, Тошкентда тажрибали сузувчилар таёрлаш бўйича қилинаётган ишлар самарали бўляпти, дейиш мумкин.

Таниқли спортчи Лариса Белоконь мамлакатимиз терма командасининг энг тажрибали аъзоларидан бири ҳисобланади. У эришилган натижа билан чегараланиб қолмаслиги, маҳоратини тобора такомиллаштириб боришига ишончимиз комил.

Спорт кундалиги

● Баскетбол бўйича биринчи лига аёллар командалари Тошкентда 7—18-ўринлар учун баҳс бошлашди. Беллашувларда Куйбишев авиация институти, Ўзбекистон Давлат физкультура институтининг студентлари, шунингдек, Абовян шаҳрининг «Адис», Ессентуки шаҳрининг «Спартак», Бокунинг «Араз», Гомель шаҳрининг «Луч» командалари иштирок этмоқда. Дастлабки учрашувда тошкентлик баскетболчи қизлар арманистонлик спортчиларни 68:66 ҳисобида енгдилар.

● Янгиер шаҳрида Картинг пойгаси бўйича ўтказилган республика шахсий-команда чемпионати якунланди. Тошкентликлардан Станислав Руднеевич, Александр Литвиненко чемпион унвонини қўлга киритишди.

● Москвадаги «Крилатское» Олимпиада каналида ўтказилган эшкак эшиш бўйича мамлакат биринчилигида республикамиз вакили Эдем Мурадосилов муваффақиятли қатнашди. У львовлик И. Ковальчук билан бирга иккн кишилик каноэ қайдашда чемпион унвонини қўлга киритди.

● Киев шаҳрида ўтказилаётган сузиш бўйича мамлакат шахсий-команда биринчилигида энг кучли спортчилар иштирок этишди. Бу ерда ҳам республикамиз вакилларн муваффақиятли қатнашишди. Жумладан, С. Заболотнов 400 метр масофага комплекс усулда сузишда мамлакат чемпиони унвонини қўлга киритди. 200 метр масофага чалқанчасига сузишда эса иккинчи ўринни эгаллади. Тошкентлик спортчилардан Е. Вавилова, М. Паниилар ҳам беллашувларда яхши қатнашиб, совринли ўринларни қўлга киритишди.

● Киев шаҳрида «Спартак» кўнгилли спорт жамияти Марказий Советининг шашка бўйича ўтказилган мусобақаларн якунланди. Тошкентлик Ғадалий Дорфман иккинчи ўринни эгаллади. Беллашувлар якунига кўра «Спартак» кўнгилли спорт жамиятининг Одессада ўтказиладиган СССР Кубоги баҳсларида иштирок этадиган командаси составн аниқланди. Унда тошкентлик Г. Дорфман ҳам бор.

● БИЛИБ ҚЎЙГАН ЯХШИ

ОВҚАТ ТАЙЁРЛАГАНДА

● Манти, чучвара, сомса ва шу каби қиймали овқатларга эскириб қолган гўштни ишлатмаслик кўрманг, таомингиз бемаза бўладн.

● Ҳаддан ташқари серёг бўлиб кетган паловга гуруч солишдан олдин бир нечта картошкани арчиб солсангиз, ёғини тортиб олади.

● Қайнатма шўрвага, қовурмага ва шунга ўхшаш овқатларга сабзавотларни йирик қилиб солинг, акс ҳолда дармондорларни йўқотади ва овқат бўтқалашади.

● Кечагидан қолган паловни иситмоқчи бўлсангиз, гуруч эзилиб кетмаслиги учун қозонга озгина (ярим пиёла) қора чой қуйиб юборинг.

● Нўхотнинг ўзини алоҳида пиширганда сувни ишлатган нўхот билан баравар қилиб қўйиш керак ва пиширш пайтида унн ҳеч кавламаслик зарур, акс ҳолда нўхот эзилиб кетади.

● Паловга сабзини босиб, сув солгач, қатиқ қайнатманг, масаллиқларнинг витаминн йўқолиб, ош оппоқ бўлиб қолади.

ЁЗ — ЎТМОҚДА СОЗ

ЯНГИ САЛОМАТЛИК МАЙДОНЧАСИ

Акмал Икромов районидаги 24-кварталда янги саломатлик майдончасининг тантанали очилиш маросими бўлди. Бу майдончада ўқувчилар каникул кунларини мазмунли ўтказишади.

Физкультура-соғл о млаштириш комплекси волейбол, футбол майдонлари, сузиш ҳавзаси, баландликка ва узоқликка сакраш йўлкаларидан иборат. Шунисн диққатга сазоворки, комплексни қуришда ўқувчиларнинг ўзлари актив иштирок этишди. Каникул кунларида пионер лагерларига бормасдан шаҳарда қолган ўқувчилар шу ерда вақтларини мазмунли ўтказиб, саломатликларини мустаҳкамлашади. Улар турли қизиқарли баҳсларда иштирок этадилар.

Аҳоли турар жойларидаги спорт ташкилотчилари бу ерда шахмат ва шашка, спортнинг бошқа турлари, шунингдек, сузиш бўйича мусобақалар ташкил этишади. Ғолиблларга хилма-хил совринлар топширилади. Беллашувларни ташкил этишга Тошкент Давлат рус тили ва адабиёти институтининг студентлари кўмаклашадилар.

БИЛДИРИШ

Ўзбекистон Компартияси Тошкент шаҳар комитетининг марксизм-ленинизм университети дирекцияси шуни маълум қиладики, дипломларни топширишга бағишланган битирувчиларнинг тантаналн йиғилиши марксизм-ленинизм университетида, Пушкин кўчаси, 17-уйда ўтказилади:

Идеология кадрлари факультети (бўлимлар бўйича) битирувчилари— 21—22 июнь кунлари соат 18 да.

Партия-хўжалик актив факультети (бўлимлар бўйича) битирувчилари — 23 июнь куни соат 11 да.



ҲИКОЯ

—6—

Катта сўлим боғ ўртасидаги сўрига ўрнатилган кўнғироқ каптарлар тўртта бўлиб қўнишадиган бўлишди. Энди-энди қанот ёзишни ўрганаётган каптар болаларн ҳам оқ парларнни ёзиб қанотларини тарашадн, офтобда ороланишадн. Улар ҳам чиройли, тождор, пайпоқдор каптарлар бўладнган. Кунларнинг бирида онасига эргашиб, оқ Бахтн ҳам адашмнинг уйига чиқдн-ю, қушларни кўриб алланечук бўлиб кетдн. «Қора Бахтн каптаридан биттасини берсин» деб ҳархаша қилиб, йиғлади. «Ҳали кечқурун нинга киргандa олиб бераман» деб Раҳима хола ўғлини алдаб-сулдаб овутр олиб чиқиб кетди. Кечқурун Раҳима хола каптарнини олиб чиқиб кетаркан-да, деб ўйлаб Бахтнёр нчидан куя бошладн. Йўқ, орадан иккн-уч кун ўтсаям ҳеч кнм каптар боласнни олиб кептанн келмадн.

Кунлар ўтдн. Энди ёз ойн бошланган, ҳамма каторн Бахтнёрлар ҳам канникулга чиқишгандн. Қора Бахтнинг кунларн каптарлар билан, қуёнлар билан ўтадн. Энди у кўчага кам чиқар, чиққан тақдирда ҳам ўртоқларн билан тезда қайтиб уларга қушларнинн кўрсатиб, мақтанардн. Акаси бўлса отаси билан ншга кетадн. Ғафуржон ака катта ўғлнни ўзи билан заводга олиб кетган, ҳунар ўргансин, дегандн. Қора Бахтн эса буюрилган ншларнн тез бажарнб бўлгач, аввал куёнларнни боқади, кейнн каптарларга дон сепиб, сув берадн. Ҳатто гулзорнинг нарнги томоннга, шундоқ йўлка бўйндаги катта олма тагнга ҳовузча қазиб, уннинг марзаларнни суваб чиқадн, қушларн бу ерда пешнн маҳаллар чўмнладнган бўлишдн. Кунлар ўтганн сарн қуш болаларн ҳам катта бўла бошлашдн, учаднган, ота-онасндек катта боғ устида, тнп-тнниқ осмон бағрида эркнн қанот қоқадиган бўлишдн.

— Хов, Бахтн, — деди кунларнинг бирида оқ Бахтн ўша девор устнга чиқиб олиб. — Агар каптарларнигни биттасини манга бермасанг, рогаткам билан отиб ташлайман.

Бахтнёр гулзордан эндигина қуёнларнни ҳайдаб чиқаётган, уларнн иннга қамаб қўймшга тараддудланиб турганди. У бурнини жийирнб, қошнни чимирди-да:

— Узингни акангга эт, каптар оберсин. Барибир, санга бермайман. Алам қилсин... —деди.

— Ҳалн шунақамн, шошмай тур. — Адашнинг ранги бўзарнб, сўкнндн. Оғзнга келган гапнн қайтармай девордан сакраб тушдн.

Қора Бахтн шоша-пнша қуёнларнни қамаб, каптарларга қараганн кетдн. Улар қўноқда чнройлн тумшуқчаларн билан қанотларнни тараб ўтирншган экан. Ҳадемай оқшом ҳам чўкдн, улар иннга киргандa қамаб қўйиш учун кута бошладн. У адашнинг рогатка отнб, қушларнинн маймоқ қилишндан қўрқардн. Ундан бунн кутса бўладн. Негакн, табнатан эрка, уйда айтганн айтган, деганн деган оқ Бахтн ёмон одатларнн юқтнраётгандн. У қушларнн севганн учунмас, балкн эрмак қилнш учун ҳам каптар боласнни адашндан олнб қўймоқчн бўлаётгандн. Қора Бахтн бўлса қушларнн севадн, кўнглнда заррача ғубор бўлмай уларнн парваришлашнн ёқтнрадн. Бнр сафар каптар боласн уннинг қўлнга қўнмб кафтндан дон чўққилаганда шунчалар қувонмб кетгандкн, бундан акасн ҳам завқлангандн.

Кунлар шу зайлда ўта бошладн. Бола ҳам қушларн снкгарн бегубор, пок ўй-хаёллар, меҳр-муҳаббат билан ўсдн. Катта боғда, шундай сўлнм табнат бағрида уннинг қувончларн олам тнмчлнгнннинг азалнй рамзндай бўлиб туюладн. Айниқса, мана шу тнп-тнниқ, осуда осмон бағрида оқ каптарлар эркнн қанот қоқиб бамисоли рақс тушшганда боладагн ўктам хаёллар ҳам қанот ёзгандай, унда учиш, олис-олисларга кўтарилиш туйғусн гунча очадн. Аммо... ана шу поклнк, мусаффолнкнинг кушандаси қар бнр қадамда уйғонмб, унга қўланка солмоқчн бўлаётганлнгнни на Бахтнёр, на уннинг ота-онасн хаёлнга келтнрадн. Ана шундай покиза кунларнинг бирнда қушлар энди осмондан пастлаб том бошнга қўнганда қаердандир тарақлаган товуш келдн. Кейнн каптарларнинг «нар»н олднн, сўнг «мода»сн, болаларн ҳуркнб қанот қоқишдн. Ундан пастга ҳовлнга шўнғишдн. Бу ҳолдан чўчнб тушган болакай ннма воқеа юз берганлнгнни бнр муддат англолмай турдн. Нар каптар базўр оёқ қўя бошлаганлнгнни кўрнб кейнн тушундн. Кнмднр унн рогатка билан отнб чўлоқ қнлган эдн.

— Вой, бечора! — боланннг айтган бнргнна сўзн шу бўлдн. Шошнб бормб оёгнни кўрмоқчн бўлгандн каптар тутқнч бермадн. Бнр-нккн оқ-соқлана-оқсоқлана сакраб борнб, кейнн парр этнб кўтарнлдн-ю узоқ огзндагн қўноққа базўр қўнмб олдн. Кейнн шернкларнни чақнргандай уларга қараб олнб иннга кнрнб кетдн. Бошқа чнқмадн. Шернкларн ҳам уннинг ортндан узоларнга кнрнб кетншган маҳалда Тўлаган келнб қолдн.

— Ҳознргнна адашнгнн кўчада кўрднм. Болалар билан муштлашаяптн, — деди у укасига. — Қўлндагн рогаткасннн тортнб олнб қўйншаётган экан. Бермайман, дейдн.

Бахтнёр нар каптарнн кнм отганлнгнни эндн бнлдн. Кўзларнга ёш олнб худдн бўлмб ўтган воқеага ўзн айбдордай бошнни қуйн солганча «Нарнн чўлоқ қнлншдн», дедн.

— Ннма, ннма дединг, чўлоқ қнлншдн. — Тўлаганнннг рангн бўзарнб, жаҳл билан укасига тарсакн қўймб юбораёздн.— Сан тош отднгмн, а! Учнрмоқчн бўлмб тош отгансандей, а! Хумпар...

— Ҳой, ҳой нега унга ўдағайлайсан, — орқама-орқа етнб келган Ғофнржон ака ўртага тушмагаида ака-ука ёқалашнб кетншган бўлармидн.

— У ннма қнлнбдн.

— Каптарнмнн чўлоқ қнлнбдн. — Тўлаган жаҳл билан сўрига чиқнб узга ўнг қўлнмн тиққан эдн, нчкарднан каптарларнинг «гур-гур»лаб қўйганн эшитнлдн. Кейнн қушлар питирлашиб, аввал она каптар, сўнг болаларн патирлаб уядан чиқиб кетишдн. Тўлаган қўлида типирчилаётган чўлоқ каптарнн ушлаб пастга тушдн-да, қанотларн остнни қараб кўрдн. Рогаткадан отилган тош каптарнинг ўнг оёгнга, қаноти остнга теккан экан. Тўлаган ўзнча сўкнниб нарн кетдн. Айвонга чиқнб, бнр парча латта билан лат еган оёқнн боғладн, кейнн қушнн оҳнста ерга қўймб юбордн. Бахтнёрнинг юраги эзилиб кетдн. «Унн оқ Бахтн отган, бўлмаса кнм отардн».

Кунлар шу зайлда ўтардн. Эндн қушлар учта бўлиб учишар, учганда ҳам узоққа кетмай уяларн тепасида айланиб, чўлоқ каптарнинг ҳовлнда оқсоқланиб юрганнни кўрншса пастга шўнғишардн. Айниқса, она каптар нарндан узоққа кетгнсн йўқ. Бнров ҳуркитмаса уча қолмасдн.

Нар каптар ҳадемай соғайиб учадигаи, ўзн кўтарилиб уясн олдндагн қўноққа қўнадигаи бўлдн. Кейнн осмонга кўтарилардн. Қўнаётганда эса жуда оҳнста, эҳтнётлнк билан оёқларнни қўярдн. Буларнн Бахтнёр кузатиб турадн. Уннинг юрагида алам, адашнинг қнлмншндан нзза бўлиб, нч-этн тирналардн. Кунларнинг бирнда томга яна тош келиб тушдн, яна ва яна отилган тошлардан қушлар ҳуркиб кўтарилишдн-ю, анчагача қўнолмай учиб юришдн. Кимдир ҳуштак чалгандн, баландлаб кетдн. Кечгача кўринмай кетишдн. Бундан Қора Бахтнинг юраги ғаш: кетиб қолишмасайдн. Бнр неча бор қўнишга чоғланган қушларнн яна тош отиб ҳуркитишдн. Тош отаётганларни эса Бахтнёр деворга ёкн катта ўрик дарахтн тепасига чиқиб атрофни кузатса-да, топа қолмасдн. Шу тарнқа оқ каптарлар уч кун йўқ бўлиб кетишдн. Бундан Тўлаганнинг ҳам аламзадалиги ортдн, у буларнинг ҳаммасига укасинн айблайдн, қушларимнн сен ҳайдагансан деб уришадн, сўкнпадн. Тўртинчн кун қушлар келишдн. Эндн улар ўша чнннн каптарларга ўхшашмас, ҳаммаёқларн қорайиб, кир босгандн. Афтндан қушлар қайсндир бўготда тунашганга ўхшайдн.

Қора Бахтн акасн билан ҳовлнга дон сепишдн.

—10—

Қушлар тоза очқаган экан, туша солиб донларнн бнтта қўймай тернб еймшдн. Кейнн сув нчиб олишгача яна томга чиқишдн. Бнр оз таранб олишдн. Эндн уялариға учиб қўнишмоқчн бўлганда кимдир қаттиқ ҳуштак чалиб тош отдн. Том тарақладн. Шу заҳоти Тўлаган югурнб сўрига, энг тепага чиқиб қарадн. Оқ Бахтн дадасн билан ўз боғларндан қушларга қарата тош отишаётган экан. Қушлар бнр кўтарилишдн-ю, одатдагндай айланиб боғ устндан иккн бор ўтишдн-да, сўнг олнслаб учиб кетишдн. Шу кетганча қайтиб келишмадн.

...Орадан йнллар ўтдн. Неча баҳор ўтиб ёзлар, кўзлардан сўнг қишлар келиб кетдн. Болалар улғайишиб, оилалик, яшнк-жойлик бўлишдн. Қора Бахтн-Бахтнёр ҳозир катта хўжалик раҳбари, бола-чақалик. Уннинг адашн ҳам катта бнр ташкилотга раҳбар бўлиб кўтарилгандн. Яқинда жнмоий ншга қўл урнб қўйиб жавобгарликка тортилдн.

...Тонгги маҳал бу воқеаларнн хотирига олиб Бахтнёр ўғли билан ҳнёбонни айланиб юрардн. Бнр пайт олти-еттн ёшлардагн бола отасининг қўлндан тортиб кўм-кўк мовий осмонга ншора қилиб дедн:

— Ада, қаранг, каптарлар. Оқ каптарлар...

— Ҳа, ўғлим, оқ каптарлар келишяпти. Ҳадемай ёз ҳам бошланади. Ҳаммаёқда қушлар кўпаяди, — деди ота ўғлига меҳр билан кўз ташлаб. Нш-қилиб шу тнниқлнк, тнничлнк, осудалнк бузилмасин, оқ каптарларга тош отувчилар бўлмасин, — деган ўй ўтдн Бахтнёрнинг кўнглндан. Кейнн болалнк йнллари, ҳозир тушдай бўлиб қолган ўтмиш воқеалар ҳақида ўйлади. Осмон эса тнп-тнниқ, уннинг бағрида оқ каптарлар жуфт бўлиб эркнн қанот қоқишардн.

Нурулло АЛИМОВ.

Редактор Ш.О.УБАЙДУЛЛАЕВ

3 Тошкент вет. оқшоми

14 ИЮНЬ, 1984 й.

(Охири. Бошн газетанинг ўтган сонида).

БИЛЛУРНИНГ ГЎЗАЛ ЖОЗИБАСИ

БИЛЛУРДАН ИШЛАНГАН ГЎЗАЛ ВА НАФИС ЭРТАКНАМО БУЮМЛАРДА НУР ЖОЗИБАСИ КАМАЛАК ГЎЗАЛЛИГИДАН ҲАМ СЕРЖИЛО БЎЛИБ ТОВЛАНАДИ:

гуллар, мурабболар, мевалар учун вазалар, салатдонлар, конфетдонлар, фужерлар, рюмкалар ва бокаллар байрам дастурхонига ўзига хос сержило кўрк бахш этади.



«ТАШХОЗТОРГ» МАГАЗИНЛАРИДАН СИЗ БИЛЛУР ИДИШЛАРНИ СОТИБ ОЛИШИНГИЗ МУМКИН

«УЗХОЗТОРГ»НИНГ ТОШКЕНТ ОБЛАСТЛАРАРО БАЗАСИ (телефон 91-07-12).

ФРУНЗЕ САВДО МАРКАЗИДА

18-20 ИЮНЬ КУНЛАРИ

ЎЗБЕКИСТОН ССР ЕНГИЛ САНОАТ МИНИСТРЛИГИНИНГ ФАБРИКАЛАРИДА ИШЛАБ ЧИҚАРИЛГАН

ЭРКАКЛАР ОЁҚ КИЙИМЛАРИНИНГ

САВДО-КЎРГАЗМАСИ ЎТКАЗИЛАДИ

Сотувга ёзги ассортиментдаги саболар, сандалетлар, кроссовкалар, туфлилар, уй шиппаклари қўйилган.

ФРУНЗЕ САВДО МАРКАЗИ (телефон 55-52-94).

«СОЮЗТОРГРЕКЛАМА» БУТУНИТТИФОҚ БИРЛАШМАСИНИНГ ЎЗБЕКИСТОН РЕКЛАМА АГЕНТЛИГИ (45-37-24).

АҲОЛИНИ ИШГА ЖОЙЛАШТИРИШ БЮРОСИ

ГОСКОМТРУД СССР

ИШГА ТАКЛИФ ҚИЛАДИ

В. П. ЧКАЛОВ НОМИДАГИ ТОШКЕНТ АВИАЦИЯ ИШЛАБ ЧИҚАРИШ БИРЛАШМАСИГА

фрезерчилар, токарлар, слесарлар, қолипчилар, штамповкачилар, кранчилар, қуювчилар, токар-револьверчилар, трактор-чилар, шофёрлар.

Ёлғиз кишилар ётоқхона билан таъминланадилар.

«ТАШХИМСЕЛЬМАШ» ЗАВОДИГА

бухгалтерлар, инженер-технологлар: механика ускуналари бўйича қуюв ишлаб чиқариши бўйича, транспорт—омбор хўжалиги бўйича; **диспетчерлар, таъминот экономисти, инженерлар:** конструкторлар, меҳнатни ташкил этиш ва нормалаш бўйича; **электрокара ҳайдовчилар, қозонхоналар ремонти бўйича слесарлар, слесарь-асбобсозлар, газ хўжалиги бўйича слесарлар, ишларни тақсимловчилар, токарлар.**

ТОШКЕНТ АГРЕГАТ ЗАВОДИГА

токарлар, фрезерчилар, пармаловчилар, сайқал берувчилар, штамповкачилар, контролерлар, кранчилар, слесарь-йиғувчилар, слесарь-ремонтчилар, электромонтёрлар.

Ёлғиз кишилар ётоқхона билан таъминланадилар.

АКМАЛ ИКРОМОВ РАЙОНИДАГИ САВДО ТАШКИЛОТИГА

юкчилар.

ЛЕНИН РАЙОНИДАГИ ТРАНСПОРТ ТАШКИЛОТЛАРИГА

троллейбус ҳайдовчилари, кичик сотувчилар, слесарь-электрчилар, электр ускуналари ремонти бўйича слесарлар.

СПРАВКАЛАР ВА ИШГА ЙЎЛЛАНМАЛАР ОЛИШ УЧУН ҚУЙИДАГИ АДРЕСЛАРГА МУРОЖААТ ҚИЛИНСИН:

Марказий пункт — Пролетар кўчаси, 4-уй, 3-подъезд, 5-хона.
Ленин район пункти — Т. Шевченко кўчаси, 64-уй.
Октябрь район пункти — У. Юсупов кўчаси, 3-уй.
Чилонзор район пункти — 2-квартал, 3-уй.
Фрунзе район пункти — Ш. Руставели кўчаси, 64-уй.
Ҳамза район пункти —М. Ҳасанова кўчаси, 3-уй.
Куйбишев район пункти — К. Маркс кўчаси, 53-уй.
Киров район пункти— Энгельс кўчаси, 48-уй.
Собир Раҳимов район пункти — Қорасарой кўчаси, 270-уй.
Акмал Икромов район пункти —Чилонзор массиви, 22-квартал, 13-уй.
Сергели район пункти — 2-квартал, 69-уй.

Ўзбекистон ССР Соғлиқни сақлаш министрлиги

П. Ф. БОРОВСКИЙ НОМЛИ ТОШКЕНТ ШАҲАР МЕДИЦИНА БИЛИМ ЮРТИ
1984-1985 ўқув йили учун

ЎҚУВЧИЛАР ҚАБУЛ ҚИЛАДИ

Билим юрти қуйидаги мутахассисликлар бўйича ўрта медицина персоналини тайёрлайди: акушерка, умумий профилдаги медицина ҳамшираси ва болалар даволаш-профилактика муассасалари медицина ҳамшираси.

Тўлиқсиз ўрта ва ўрта маълумотга эга 30 ёшгача бўлган қизлар ишлаб чиқаришдан ажралган ҳолда ўқиш учун қабул қилинади.

8 синф ҳажмида маълумот билан умумий профилдаги медицина ҳамшираси ва болалар даволаш профилактика муассасалари медицина ҳамшираси мутахассислиги бўйича ўқиш муддати — 2 йилу 10 ой; ўрта маълумот билан акушеркаликка ўқиш муддати — 2 йилу 6 ой; ўрта маълумот билан умумий профилдаги медицина ҳамшираси ва болалар даволаш профилактика муассасалари медицина ҳамшираси мутахассислигига — 1 йилу 10 ой.

Билим юрти директори номига ёзилган ўқишга қабул қилиш ҳақидаги аризага қуйидагилар қўшиб топширилади: синф ҳажмида ёки ўрта маълумот тўғрисида ҳужжат (асл нусҳаси), мактаб врачи ёки турар жойидаги даволаш профилактика муассасаси томонидан берилган медицина справкаси (086/У-форма), кадрлар бўлими тасдиқлаган меҳнат дафтарчасидан кўчирма (амалий иш стажига эга бўлганлар учун), 4 дона фотосурат (3х4 см.). Билим юртига келгач, ўқишга кирувчилар туғилганлиги тўғрисида гувоҳнома ёки паспортини шахсан кўрсатадилар.

Аризалар қуйидаги тартибда қабул қилинади: тўлиқсиз ўрта маълумотлилар группасига — 31 июлгача; ўрта маълумотлилар группасига — 14 августгача.

Билим юртига кирувчилар қуйидаги фанлардан кириш имтиҳонлари топширадилар:

тўлиқсиз ўрта маълумотлилар — ОНА ТИЛИ (диктант), **МАТЕМАТИКА** (оғзаки) — **1 августдан 20 августгача;**

ўрта маълумотлилар — ОНА ТИЛИ ВА АДАБИЁТИДАН (ишлоқ), **ХИМИЯ** (оғзаки) — **1 августдан 21 августгача;**

ўқувчилар сафига қабул қилиш — 21 августдан 25 августгача.

Адресимиз: 700015, Тошкент шаҳри, 15-алоқа бўлими, Ремесленная кўчаси, 8-уй (1, 2, 3, 5, 4, 13, 22, 25, 28-трамвайларнинг «Санъат музейи» ёки «Куйбишев кўчаси» бекати; 1, 5, 8, 10, 17-троллейбусларнинг «Ташсовет номли касалхона» бекати).

ЎҚИШГА МАРҲАМАТ ҚИЛИНГ!

Савдо шундай касбки, у кишиларга эътиборли ва хайрихоҳли бўлишни, ўзини тута билишни, шунингдек харидорнинг руҳий ҳолатини тушунишни тақозо қиладиган касбдир.

«ТАШКУЛЬТТОРГ»НИНГ

10-МАКТАБ-МАГАЗИНИДА

СОТУВЧИЛИК ҚАСБИНИ ЭГАЛЛАШ МУМКИН

МАКТАБ-МАГАЗИНИГА 16 ЁШДАН 25 ЁШГАЧА БЎЛГАН, 8—10 СИНФ ҲАЖМИДА МАЪЛУМОТЛИ, ТОШКЕНТЛИК ЙИГИТЛАР ВА ҚИЗЛАР ҚАБУЛ ҚИЛИНАДИЛАР.

Ўқишга кириш имтиҳонларисиз қабул қилинади.

МАШҒУЛОТЛАР РУС ВА ЎЗБЕК ТИЛЛАРИДА ОЛИБ БОРИЛАДИ.


Ўқувчиларга ойига 63 сўмгача стипендия тўланади.

ЎҚИШ МУДДАТИ —6 ОЙ БЎЛИБ, У МЕҲНАТ СТАЖИГА ҚЎШИБ ҲИСОБЛАНАДИ.

Ўқувчилар ўқиш пайтида товаршунослик, Совет савдосини ташкил этиш, экономика, совет ҳуқуқшунослиги бўйича билим оладилар. Амалий машғулотларда эса иш чоғида қўл келадиган кўникма ва маҳоратни эгаллайдилар.

Битирувчиларга маданий молларнинг кичик сотувчиси ихтисослиги берилади.

МАШҒУЛОТЛАР ГРУППАЛАРНИНГ КОМПЛЕКТЛАНИШИГА КЎРА БОШЛАНАДИ.



Маълумотлар олиш юзасидан мурожаат этилсин: Тошкент шаҳри, Муқимий кўчаси, 1-уй (Телефонлар: 91-30-10, 53-47-24, 53-47-25).

«ТАШКУЛЬТТОРГ» (телефон 91-30-10).



ЭРКАКЛАРНИНГ НАФОСАТЛИ КЎЙЛАГИ

14—18 ИЮНЬ КУНЛАРИ

ПОЙТАХТНИНГ БОШ УНИВЕРСАЛ МАГАЗИНИДА ЎТКАЗИЛАДИГАН САВДО-КЎРГАЗМАСИДА

СИЗ ҲАР ҚАНДАЙ ДИДЛИ ЭРКАКЛАРГА МОС КЕЛАДИГАН КЎЙЛАКЛАРНИ

СОТИБ ОЛИШИНГИЗ МУМКИН

САВДО—КЎРГАЗМАСИГА ҚЎҚОН ТИКУВЧИЛИК ФАБРИКАСИНИНГ ИСТИҚБОЛЛИ МОДЕЛЛАРИ СОТУВГА ҚЎЙИЛГАН:

ранг-баранг тус ва фасондаги кўйлаклар;

ранг-баранг газламалардан комбинациялаб тикилган, тугмачаси пистонли кичик ёқали ва қотирма ёқали кўйлаклар.

ГУМ соат 9 дан 21.00 гача ишлайди.

ГУМ (телефон 42-27-39).

«СОЮЗТОРГРЕКЛАМА» БУТУНИТТИФОҚ БИРЛАШМАСИНИНГ ЎЗБЕКИСТОН РЕКЛАМА АГЕНТЛИГИ (телефон 45-37-24)

ҲУРМАТЛИ КИТОБХОНЛАР!

«ТАШКНИГА»НИНГ

39-«КНИГА—ПОЧТОЙ» МАГАЗИНИ

сизларга Ғафур Ғулом номидаги адабиёт ва санъат нашриётида чоп этилган қуйидаги китобларни тавсия этади:

Жуманиёз Шарипов, Сайланма, уч жилдлик. ХОРАЗМ. Роман. 1 сўм 60 т.
Тўлепберген Қайипбергенов. Сайланма, «БАХТСИЗЛАР». 1 сўм 70 т.
Эмиль Золя. «ҲАМАЛ». 2 сўм 50 т.
Достоевский Ф. М. «ТЕЛБА». 3 сўм 80 т.
Мумтоз Муҳамедов. Танланган асарлар, икки жилдлик. «ЛАЙЛАТЎЛҚАДР».
«ҚИССАЛАР».
Лазиз Қаюмов. Сайланма. 2 жилдлик. 1—2 томлар. 2 сўм 10 т.
Жонрид Абдуллахонов, «БОРСА КЕЛМАС» роман. 2 сўм 20 т.
Одил Ёқубов. «УЛУҒБЕК ХАЗИНАСИ». 1 сўм 60 т.
Алишер Навоий. «МАҲБУБ УЛ-ҚУЛУБ (қалблар севгилиси).0—80 т.
Ўткир Ҳошимов. «ҚУЁШ ТАРОЗИСИ». 1 сўм 30 т.
РУСЧА—ЎЗБЕКЧА ЎҚУВ ЛУҒАТИ. 1 сўм 50.
Саид Аҳмад. Сайланма, уч жилдлик. ҳикоялар, комедия.
КЕЛИНЛАР ҚЎЗҒОЛОНИ. Миниатюралар. 2 сўм 30 т.
БУНДАН ТАШҚАРИ ДИҚҚАТИНГИЗГА ҚУЙИДАГИ КИТОБЛАРНИ ҲАВОЛА ҚИЛАМИЗ:
Олий ўқув юртига кирувчилар учун:
Физикадан масалалар тўплами. 1 сўм 20 т.
Сканави М. И. МАТЕМАТИКАДАН МАСАЛАЛАР ТЎПЛАМИ 1 сўм 10 т.
ХИМИЯДАН КОНКУРС МАСАЛАЛАР. 0—45 т.
Хомченко Г. П. ХИМИЯДАН КИРУВЧИЛАР УЧУН ҚЎЛЛАНМА. 0—95 т.
Сахаев М. Математика масалалари тўплами. 0—61 т.

Бизнинг адрес: 700122, Тошкент шаҳри, Волгоград кўчаси, 10-«а» уй 39-«Книга—почтой» магазини.

ТВ

пайшанба

14 ИЮНЬ

● МТ I

18.05 Шахмат бўйича жаҳон чемпиони Анатолий Карпов билан учрашув.
18.45 «Миллионлар ленинча университети». «Инсоннинг маънавий олами».
19.15 «Дунё воқеалари».
19.30 «Сиз яратган боғ».
20.00 «Инсон ва қонун».
20.35 «Берлиоз ҳаёти». Телевизион бадиий фильм премьераси. 3-серия.
21.30 «Время».
22.15 «Давлат Марказий концерт залида «Ялла» вокал чолғу ансамблининг чиқиши.
22.45 «Дунё воқеалари».
23.00 Футбол бўйича СССР чемпионати. «Спартак» — «Динамо» (Минск). 2-тайм.

● МТ II

18.30 Янгиликлар.
18.50 «Микробиология ва Озиқовқат программаси».
19.15 Қўшиқлар ва чолғу куйларидан концерт.
19.45—20.30 «Сиз бунга қодирсиз».
20.50 «Ҳамдўстлик». Тележурнал.
21.20 Концерт.
21.30 «Время».
22.15 «Комик жазман ёки сэр Джон Фальстафнинг ишқий эрмаклари». Телевизион бадиий фильм премьераси.
23.25 СССР халқ артисти Т. Николаев концерти.

● ЎзТВ I

18.00 Янгиликлар.
18.15 «Ёшлик» студияси кўрсатади. «Студентлик — олтин даврим».
19.30 «Ахборот» (рус.).
19.45 «Идеологик иш — бутун партиянинг, ҳар бир коммунистнинг иши».
20.00 «КПСС МК июнь (1983 й.) Пленуми қарорлари — ҳаётга!».
20.30 «Ахборот».
20.50 Шерқўзиевлар оилавий ансамблининг концерти.
21.30 Москва. «Время».
22.15 «Мустаҳкам озуқа базаси учун».
22.30 Телевидинне экранида биринчи марта. «Индинга кун жадвали». Бадиий фильм.
24.00 Янгиликлар.

● ЎзТВ II

18.10 Кўрсатувлар программаси.
18.15 «Пушкин қўлёзмалари саҳифаларида» (рус.).
18.45—19.15 «Абитуриент-84».
19.45 «Шингнинг мовий маржони». Телефильм.
20.00 Тошкент янгиликлари.
21.30 МТ II

ЖУМА

15 ИЮНЬ

● МТ I

9.00 «Время».
9.50 «Бу фантастик олам».
11.20 «Берлиоз ҳаёти». Телевизион бадиий фильм. 3-серия.
12.10 «Қишлоқ нқотадан бошланади». Телефильм.
12.40 К. Дебюсси. Прелюдиялар.
13.20 Янгиликлар.
15.00 Янгиликлар.
15.20 «Фан ва меҳнат иттифоқи» Телефильмлар.
16.05 «Рус тили».
16.40 «Москва ва москвaликлар».
17.10 Болалар учун фильм. «Икки табассум».
18.20 «Бир умрлик трасса». Телефильм премьераси.
19.15 «Дунё воқеалари».
19.30 Мультфильм.
19.40 «40- ва 50-йиллар тароналари».
20.00 «Кельбажар қариялари».
20.20 «Санъат усталари». СССР халқ артисти Д. Баниониc.
21.30 «Время».
22.05 XIII Бутуниттифоқ Пушкин поэзияси байрамидан репортаж.
22.50 «Дунё воқеалари».
23.05 «Рақс оҳангларида». Эстрада кўрсатувн.

● МТ II

9.00 Эрталабки гимнастика.
9.20 «Кўл тўпи». Телевизион ҳужжатли фильм.
9.30 «Жаҳон халқларининг ижоди».
10.05 Вс. Иванов. «Бронепоезд 14—69».
10.50—11.10 Телефильмлар.
11.40 «Салют, пионерия!».
12.40 «Набирам бўласан». Телевизион бадиий фильм. 1- ва 2- серилар.
14.55 «Сувсарнинг ранги қанақа?». Телефильм.
15.15 СССРда II Халқаро музика фестивалининг концерти.
15.55 «Инсон ва табиат».
16.45 «Рақс байрами». Концерт.
17.20 Янгиликлар.
18.30 Янгиликлар.
18.50 «Онамларнинг мактаби».
19.20 Ф. Шопен. «Алла». Данг Тхай Шонг ижро этади (фортепьяно).
19.25—20.30 «Қисқичлар». Телевизион бадиий фильм премьераси. «Майор Земан билан содир бўлган 30 воқеа» туркумидан (ЧССР).
20.45 «Ойдин тунлар хроникаси». Илмий-оммабоп фильм.
21.00 «ТАЖРИБА УЧУН НАВОИЙГА». Порошокли материалар қўлланишининг самарадорлиги ҳақида.
21.30 «Время».
22.00 Футбол бўйича СССР чемпионати. «Днепр» — «Черноморец».

● ЎзТВ I

10.00 «Ахборот».
10.20 Болалар учун. «Бойчечак».
10.50 «Диққат, тошбақа». Бадиий фильм.
12.10 «Дийр мадҳи». Ш. Одил ва Тўлқин шеърлари асосида адабий композиция.
12.30 Янгиликлар.
18.00 Янгиликлар.
18.15 «Ёшлик» студияси кўрсатади. «Эстафета» давом этади».
18.45 «Зангори экран» почтасидан».
19.15 «Ахборот» (рус.).
19.30 Футбол бўйича СССР чемпионати. «Пахтакор» — «Жальгирис» (Вильнюс). «Пахтакор» Марказий стадионидан олиб кўрсатилади. Танаффус пайтида — «Ахборот».
21.20 «Сариқ касаллиги». Медицина фанлари доктори В. М. Жданов сўзи.
21.30 Москва. «Время».
22.05 «Дунё воқеалари».
22.35 «Ёшлик» студияси кўрсатади. «Оталар сўзи—ақлнинг кўзи».
23.45 Янгиликлар.

● ЎзТВ II

9.00—17.25 МТ II
18.10 Кўрсатувлар программаси.
18.15—18.35 «Свема — кеча, бугун, эртага». Телефильм.
19.05 «Хирургларнинг Бутуниттифоқ конференцияси (рус.).
19.30 Реклама.
19.40 «Қишлоқ ҳаёти» (рус.).
20.00 Тошкент янгиликлари.
20.20 «Саломатлик посбонлиги да».
20.50 Телефильм.
21.00 «Касблар ҳақида ҳикоялар».
21.30 МТ II

Ф. Хўжаев номли 1-пойафзал фабрикаси қошидаги

143-ТЕХНИКА БИЛИМ ЮРТИ

ЙИГИТ ВА ҚИЗЛАРНИ

ЎҚИШГА ҚАБУЛ ҚИЛАДИ

БИЛИМ ЮРТИ ҚУЙИДАГИ ИХТИСОСЛАР БЎЙИЧА МАЛАКАЛИ МУТАХАССИСЛАР ТАЙЁРЛАЙДИ: пойафзал қисмларини бичувчи, заготовка тикувчи, пойафзал тикувчи, тайёр маҳсулотни қабул қилувчи контролёрлар, слесарь-ремонтчи, электромонтёр, конструктор-модельер, модали пойафзал тикувчи.

Билим юртига қабул қилинган 8— 10-синфни тамомлаган ўқувчиларга ҳамма ҳунарлар бўйича ўқиш муддати 6 ой ва улар 70 сўм стипендия билан таъминланадилар. Практикада ишланган иш ҳақининг 50 процентини оладилар.

Билим юртини битирганлар 1-пойафзал фабрикасида ишлайдилар.

Билим юрти қошида ўқувчиларнинг маданий ҳордиқ чиқариши учун пойафзалчилар маданият саройи ва ундаги туристик ва спорт, ҳаваскорлик тўгараклари мунтазам ишлаб турибди.

Билим юртида ишчи-ёшлар мактаби бор.

Билим юртида бепул бичиш-тикиш курси бор. Битирганларга гувоҳнома берилади.

ЎҚИШ 1 СЕНТЯБРДАН БОШЛАНАДИ.

Билим юртини яхши битирган ўқувчиларга техникум ва институтларга йўлланма берилади.

Ўқишга киришни хоҳловчилар қуйидаги ҳужжатларни тақдим қилишлари лозим: директор номига ариза, маълумоти ҳақидаги ҳужжат, тугилганлиги тўғрисида гувоҳнома ёки паспорт, турар жойидан ва саломатлиги ҳақида справка, 3х4 см. ҳажмдаги 6 дона фотосурат.

ҲУЖЖАТЛАР ҲАР КУНИ (якшанбадан ташқари) қабул ҚИЛИНАДИ.

Бизнинг адрес: Тошкент шаҳар, Б. Хмельницкий кўчаси, 6-уй (3, 2, 6, 14-троллейбусларнинг «Пойафзал фабрикаси» бекати). Телефонлар: 53-99-91, 53-99-04.

Туризм ва экскурсиялар бўйича Ўзбекистон республика советининг «МОСКВА» ТУРИСТ КОМПЛЕКСИГА официантлар КЕРАК

Иш сменали (кун ор... Меҳнат ҳақи — рўйхатига мувофиқ ...ди.

Адрес: Тошкент ... Пролетар кўчаси, 4уй.

Тошкент шаҳар Собир Раҳимов районидаги ... мактаб томонидан ... ров Омон Арифович ... берилган 608611 ... йўқолган

УРТА МАЪЛУМОТ ТЎҒРИСИДАГИ АТТЕСТАТ

БЕКОР ҚИЛИНАДИ

Тошкент шаҳар, Акмал Икромов районидаги ... мактаб томонидан Абдулл... ров Камолиддин Абдулл... номига берилган 01... мерли йўқолган

УРТА МАЪЛУМОТ ТЎҒРИСИДАГИ АТТЕСТАТ

БЕКОР ҚИЛИНАДИ

Тошкент область, Ок... кидзе районидаги ... мактаб томонидан Абдул... ев Мирботир Собитович ... мига берилган 93678... мерли йўқолган

УРТА МАЪЛУМОТ ТЎҒРИСИДАГИ АТТЕСТАТ

БЕКОР ҚИЛИНАДИ

Тошкент шаҳридаги ... та ҳунар-техника билим... ти томонидан Юнусов ... Бозорбоевич номига ... 720463 номерли йўқолган

ДИПЛОМ

БЕКОР ҚИЛИНАДИ

Ўзбекистон ССР Фанлар академияси президиуми ... демияси президиуми ... ви ва жамоатчилик ... лари фанлар академияси ... кенса ходими, шахсий ... нер, 1958 йилдан бўён ... аъзоси

Анвар АҲМЕДОВнинг

вафот этганлигини чуқур ... гу билан билдирил... нинг оила аъзоларига ... изҳор қиладилар.

4 БЕТ ТОШКЕНТ ОҚШОМИ

«ТОШКЕНТ ОҚШОМИ» («ВЕЧЕРНИЙ ТАШКЕНТ») —орган Ташкентского горкома КП Узбекистана и Ташгорсовета

БИЗНИНГ АДРЕС: 700000, Тошкент—ГСП, Ленин кўчаси, 41. Телефонлар: секретариат — 33-57-02; бўлимлар: партия турмуши — 32-53-66; саноат — 32-53-83; қурилиш — шаҳар хўжалиги—32-57-83; совет қурилиши ва ҳуқуқ—32-54-19; фан, мактаб, олий ўқув юртлари 32-53-10; адабиёт ва санъат — 32-56-81; ахборот — 33-28-95; спорт ва ватанпарварлик ишлари—32-53-32; хатлар — 33-29-70; эълонлар бўлими — 33-81-42; нашриёт диспетчери — 32-78-94; нашриёт телефон станциясининг навбатчилари — 33-90-50.

14 ИЮНЬ, 1984 й. Р—12319. Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети нашриётининг Меҳнат Қизил Байроқ орденли босмахонасида офсет усулида босилган. Тошкент шаҳри. Б-2015. ИНДЕКС 64690. 1 2 3 4 5 6 7 8 9 10